O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB...
INV.№

Milliy Tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi

2002 yil, 8 yanvar

1 (251) son

Иброҳим ҒАФУРОВ

ТОЛЕ ЁР БЎЛСИН

ҲАЁТНИНГ ЮРИШИ тезлашдими ёки кунларнинг ўтиши, воқеалар кўз очиб юмгунча «кечаги кунга» айланиб қолади. Йигирма биринчи асрнинг иккинчи йилига шитоб билан кириб боряпмиз. Икки йил бўлар бўлмас ХХ асримизни «ўтган аср» деб эслаяпмиз, ёзяпмиз. «Ўтган аср»нинг барча воқеалари толейимизга худди дарахт халқаларидай жойлашган. «Ўтган аср»нинг катта-кичик ҳамма воқеаларини тақдиримиздан бир зумга ҳам ажратиб ташлаб бўлмайди. Ҳар бир одамнинг толейи юртининг толейига чамбарчас туташган. Одам эсласа, кўнгил – бир фуқаронинг кўнгли – умид ёғдуларига тўлади. «Кечаги кун»га айланган воқеаларда халқнинг, мамлакатнинг, ҳар бир ўзини таниган одамнинг истиқболи нурланаётганга ўхшайди. Ўйлайман: бир фуқаро сифатида асло суюнмай бўладими яқинда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг ҳаётий ҳужжатларини ўқиганда! Суюнмай бўладими Ўзбекстон ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро ишонч ҳақидаги меморандум мазмуни билан теран танишганда! Суюнмай бўладими Ўзбекистон Ҳайратон кўпригини очиб жафокаш Афғонистонга дунё миқёсида кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами оқимларини биродарона хайрихоҳлик билан бошқарганда! Уларни ҳеч қачон «кечаги кун» дейишга тилим бормайди. Бу воқеалар Ўзбекистоннинг истиқболи! Халқимизнинг иқболи!

БУГУН ЎТГАН ЎН йилимизни ўйламай босиб ўтилган йиллар ва йўлларни бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказмай иложи йўқ. Ўтган ўн йил ичида ҳаётимизнинг энг муаззам саҳифалари очилди. Шу йиллар ичида халқимиз ўз неча минг йиллик тарихининг энг юксак нуқталарига кўтарилди. Ўз тарихидан буюк хулосалар чиқарди. Биз бу ҳақда бугун сўзлашга ҳақлимиз.

БУНДАН ЎН ЙИЛ ОЛДИН мамлакатимизнинг юки ғоятда оғир эди. Йўлимиз равшан эмас эди. Истиқлол ҳавосидан нафас ола бошлаган ўша илк озодлик кунларида қаерга қандай, нима билан боришимизни тасаввур қилиш жуда қийин эди.

МАНА МУСТАБИД КЕТДИ. Лекин у бизнинг вайроналарда яшашимиз, тинимсиз миллий низолар гирдобидан чиқмаслигимиз ва ўз-ўзини эплолмай, яна унга нажот сўраб, қўл чўзиб ёлворишимизни, Ислом Каримов янги йил табригида айтмоқчи, ноғорасига ўйнашимизни истарди. Кутарди. Мустабид низо гулханларини қалаб тайёрлаб кетган эди. Эси йўқ, парвоналар бу гулханнинг шуъласига «маст» бўлиб, унда қўлларини иситмоқчи бўлиб бари куйиб кетдилар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚБОЛИ, ТОЛЕЙИ БОР ЭКАН. Ичимиздан метин иродали вазмин бир одам чиқди. Мустақиллик уни, у мустақилликни кутиб юрган экан. Мустақиллик у билан бирга дунёга келди. Мустақиллик унинг юрагида қаватланиб ётган орзулар, кўкрагини тўлдирган ўтловни кўриб, уни ўзига йўлбошчи қилиб сайлади. Ўзбекистоннинг толейи у билан кулган экан.

ДУНЁГА ИНСОН ҳаётини тузиш ва тузатиш учун ғоя эгалари кўп келган. Серфикр одамлар ўтган. Бизнинг ўтган ва янги асримиз ҳам улардан ҳоли эмас. Лекин кейинги ўн йилда Ўзбекистончалик кўп ғоя яратган, дунёга кўп ғоя берган яна бошқа бир юрт бормикин? Ислом Каримовчалик кўп ғоя ўртага ташлаган киши бормикин? Унинг ғоялари тараққиётимизни изга солди, келажак сарҳадларини белгилади. Ўзбекистоннинг толейи бор экан. Эслайлик мустақиллик ғояларимизни. Илк даврлариданоқ у Ўзбекистонни янгилаш, УЙҒОНИШ ВА ТИКЛАНИШ ҒОЯЛАРИ БИЛАН ЧИҚДИ. Шу ғоялар билан истиқлолимиз жуда юксак маъно ва мазмунга эга бўлди. У аждодларимизга мурожаат қилди. Истиқлолнинг илк йилини Навоий йили деб эълон қилди. Бу туганмас теран маънога эга ҳаракат эди. Шу ҳаракат замирида истиқлол ғояси ва ўзига хос маънавияти етилди. Ғоя ва маънавиятнинг уйғониш, тикланиш, янгиланиши баробарида Ўзбекистон ўз йўлини топди.

Халқ уйғониш, тикланиш, янгиланиш йўли ўз йўли эканлигига ишонди.

ИСЛОМ КАРИМОВ ЙИГИРМАНЧИ аср охирида уфқларимизга назар солиб сиёсий эркинликларга эришиш қийин эмас, иқтисодий эркинликларга ҳам эришиш қийин эмас, лекин ҳамма гап уларни қандай таъминлашда, деган улуғ бир фикрни айтган эди. Шу фикрнинг қудрати таъсирида биз иқтисодий, маънавий, мафкуравий қарамликдан бутунлай қутула бошладик. Ўзбекистоннинг толейи бор экан. Бугун биз ҳаммамиз бор овоз билан айта оламиз. Эркинлик ва мустақилликнинг шу асослари яратилди. Ўзбекистон ўз эркинлигини таъминлашга эришди.

Бугун мустақилликнинг соатлари биз учун ишламоқда.

Вақт миллий мустақиллигимизга хизмат қилмоқда.

Йўлимизга ғов ташлашни истаганлар бўлиши мумкин. Бизни ёмон кўрадиганлар, биз билан ишлашни истамайдиганлар, бизни чалғитиш пайида юрадиганлар, экстремистик найрангбозлар бўлиши мумкин. Лекин мустақилликнинг соати уларнинг барчаларига басма-бас биз учун ишламоқда. Вақт Ўзбекистон вақти эканлигини эълон қилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ҒОЯЛАР МАМЛАКАТИ

Ишонмаганлар келиб кўрсин. Эшиклар ҳаммавақт очиқ.

Изчил оқилона сиёсат туфайли мамлакатимиз кейинги ўн йил ичида халқаро иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланди. Ғараз ниятли истиқлолга қарши кучларнинг фитналари, янгидан қарам қилишга қаратилган ўта маккор кирдикорлари тамомила фош бўлди. Яқин қўшнимиз Афғонистон ва бошқа баъзи мамлакатларга уя қуриб, глобал тус олган терроризмнинг илдизлари батамом қурийдиган пайт етди. Турли мамлакатлар ва шу билан бирга инсониятни қўрқитиш, ер юзига ваҳшат уруғини сочишга жон-жаҳди билан уринган манфур кучлар халқларнинг лаънатига учради. Халқаро ҳамжамият бу қора қонхўр кучларга қарши уюшқоқлик билан кураш йўлига кирди. Ўзбекистон шу кучларнинг олдинги сафида белни маҳкам боғлаб бормоқда. Бу билан узоқни кўзлаган мамлакат каби ўз келажак хавфсизлиги, тараққиётнинг мустаҳкам плацдармини яратмоқда.

Бугун халқимиз Олий Мажлисимизнинг еттинчи сессиясида қабул қилинган эътиборли ҳужжатларни синчиклаб ўрганмоқда. Бу ҳужжатлар парламентимиз тарихида катта тарихий бурилиш палласи келганлигидан дарак бермоқда. Демократик давлатларда тарихий бурилиш дамларида халққа мурожаат қилинади. Сессия икки ғоятда муҳим масала юзасидан умумхалқ референдуми ўтказишга қарор чиқарди. Референдум халқнинг фикри, иродасини билиш, намоён қилиш, ифодаланишнинг Конституциямизда кўзда тутилган шакли. У эркин халқнинг ижтимоий тафаккури ва давлат бошқарувида маҳорати қанчалар ўсганлигини ҳам кўрсатади. Қўйилаётган масалалар нақадар жиддий қонуний асосга эга эканлигига бир назар ташлайлик.

Ҳозирда бутун Ўзбекистонда энг характерли воқеа-ҳодисалардан бири шуки, халқимиз ичида кенг ва ўта ижобий маънода профессионаллашув интилиши ва ҳаракати боряпти. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни замон ҳамда мамлакат талаблари асосида ислоҳ қилишга ўтиш – икки палатали парламент тизимини яратишдан кузатилган бош мақсад парламентчилик фаолиятини кучайтириш, чуқурлаштириш, янада самарали қилиш, дунё тараққиёти олдимизга кун сайин кўндаланг қўяётган вазифалар ҳамда муаммоларга тўла мутаносиб жавоб топиш. Кўриниб турибдики, бу жараён Ўзбекистонда XXI асрда маданий-маърифий дунё билан баробар қадам ташлашга бўлган табиий ва қонуний интилишларни акс эттиради.

Аслини олганда энг яхши халқ учун энг қулай бошқариш ва хусусан, бошқарувчини топиш ҳаммавақт ҳам, ҳар ерда ҳам осон эмас.

Таълим берган устозингдан айрилма, дейилганидек, Амир Темур, Махатма, Искандар, Рузвелт сингари улуғ давлат салоҳиятига эга зотлар ҳар куни дунёга келавермайди. Бугун дунёда бораётган жуда катта ўзгаришлар таъсирида дилимизни бир қадар кўтаринки сўзлар тўлқинлантиради. Зотан, ҳозир ҳар қанча тўлқинлансак, бу ҳаяжонларнинг ўрни бор. Лекин маърифатли асримизда одам ортиқча ҳаволаб кетишдан ҳам сақлангиси келади.

ХУДДИ ТОҲИР-ЗУҲРАДАЙ...

XXI аср ҳаммамизнинг ҳаётимизни ўзгартиришга, энг олижаноб маънода дунёвийлашишга, глобаллашишга, фикрлашишга ундаяпти. Бу фикр замони келганлигининг, фикрсиз яшаб бўлмаслигининг белгиси. Шу санаб ўтилаётган ҳоди-

(Давоми 2-бетда)

Наманганлик уруш ва меҳнат фахрийси Низомхон ота Сатторов ёшлар даврасида

УЗРО

ДУНЁ КИТОБИДА

Йўлинг ёриттувчи нурларда тарих,
Ўтмишинг қаърида сўнмас заколар.
На бир зулматларнинг бағрини тилган,
Тафаккур туғларин тутган даҳолар.

Халқ бўлиб киради тарихга Ватан,
Улуғлар миллатнинг қонида яшар.
Дунё китобидан ўчган улуснинг,
Бирор фарзандини эслармy башар?!

Тарих битаётир уч яшар боланг,
Минг бир саволига жавобинг билан.
Ҳақиқат сувидан расо ўссин ул,
Дегилким, миллатнинг бўйига бўйлан.

Олим болам, дейди тикланажак эл,
Кичик алломасин бошини силаб.
Суйсанг улғаяжак улуғларингни,
Бағрингга чечакдек сочмиш ҳақ сийлаб.

Маърифат кўксида аждодлар туғи,
Илмнинг зар қадри – миллий тикланиш.
Кўзинг қароғида иқболин кўрган
Миллат болалари ер-кўкка таниш.

Зиёли саодат шу кўҳна юртнинг
Хоҳ кундек, хоҳ зарра зиёси бўлмоқ.
Ватанга чин толе – озод миллатнинг,
Бугуни, эртаси борлигин билмоқ.

Даҳолар яшайди миллати билан.

Партия ҳаёти

ПАРТИЯ ЧЕТДА ТУРМАЙДИ

Янги йил арафасида мамлакатимиз ҳаёти жуда катта воқеаларга бой бўлди.

Партиямизнинг Сирдарё вилоят кенгаши ва вилоят маданият бошқармасининг таклифига кўра Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, ЎзМТДП Марказий ҳайъати раиси Иброҳим Ғафуров Сирдарё вилоятида бўлиб, Гулистон шаҳар қурилиш коллежи талабалари, ўқитувчилари, маданият, маориф, жамоатчилик вакиллари билан учрашдилар.

Учрашувда таниқли адиблар мамлакат ички ва ташқи сиёсатида рўй бераётган катта ўзгаришлар, Олий Мажлиснинг 2001 йил декабр ойида бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган, ислоҳотларимизга таянч бўладиган ҳужжатлар ҳақида сўзлаб бердилар. 2002 йилда мамлакатимиз олдида турган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маърифий вазифаларга тўхталдилар, йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

Учрашувнинг бадиий қисмида адиблар ўз асарларидан намуналар ўқиб беришди.

Ўз мухбиримиздан

Сиёсатшунос минбари

НИҚОБ

Иккинчи мақола

Терроризмга хос бўлган хусусиятлар ҳақида уч хил қараш мавжуд. Булар террористик фаолиятнинг жанговар кўринишларидан келиб чиқиш, криминал ҳамда ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ёндашишдир. Биринчи қарашга мувофиқ терроризм ўзига хос қуролланган хатти-ҳаракат ва у «паст зўриқишли қуролли можаро» деб таърифланади. Иккинчи қарашда диққат-эътибор терроризмнинг жиноий ишларига қаратилади ва тероррризм жиноятчиликнинг кескин тури деб кўрсатилади. Учинчи хил терроризм анча чуқур, ички ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар қилиш мақсадларидаги нодавлат тарзда куч ишлатиш ёки куч ишлатиш хавфидир. Лондондаги можароларни ўрганиш институти директори Крозьенинг фикрича, «Терроризм – сиёсий мақсадларга асосланган ва мотивлаштирилган куч ишлатишдир».

Терроризмнинг экстремизм билан ниҳоятда муштарак эканлиги кузатилади. Бу эса моҳиятан бир-бирига уйғун (ва бир-бирига боғлиқликда кечадиган) бу тушунчаларни бирга ўрганиш, таҳлил этишни тақозо қилади. Хўш, бу боғлиқлик қандай намоён бўлади?

Экстремизм ўзи нима?

Экрстемизм тушунчаси лотинча «ашаддий» сўзидан олинган бўлиб, бу каби дунёқарашга эга бўлган киши бошқача қарашлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун энг сўнгги чоралар – мавжуд тузумни кескин равишда ўзгартириш, ўз ғояларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни то йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди. Экстремистик оқимлар мафкуравий жиҳатлардан олиб қараганда, фақат ўзининг сиёсий ва диний қарашлар тизимини тан олиб, бошқа қарашларни бутунлай инкор қилади. Экстремистик ташкилот ўз раҳнамосининг барча буйруқларини сўзсиз бажаради. Шунингдек, диний-экстремизм фундаменталистик ва сектантлик оқимларига бўлиниб, биринчиси турли кўринишларда намоён бўлади. Сиёсатшуносларнинг фикрича, диний фундаменталистик экстремизм фақат ислом гуруҳлари билан боғлиқдир. «Фундаментализм» XX аср бошларида протестантликнинг илк даврларида шу мазҳабга боғлиқ равишда пайдо бўлган, диндорларнинг фанатик, экстремистик ва консерватив гуруҳларига нисбатан қўлланилган тушунчадир.

Масалан, гўёки «орийлар» ирқига мансуб террористлар учун асосий мафкуравий восита протестантизм бўлиб, бу мазҳаб давлатга қарши курашлар учун концепциялар шаклланишига ёрдам берди. Шу нарса маълумки, экстремистик мафкураларни қурол қилиб олган кучлар кишиларнинг **онгига эмас, балки уларнинг ҳиссиётларига таъсир этувчи нутқлар, даъватлар ва чорлашлар воситасида тарғибот олиб борадилар.**

Ҳозирги даврдаги экстремизм бир неча тадрижий босқичларда рўй берди. Агар XX аср бошларида асосан «сўл» радикал (кескин) экстремизм қизил империя туфайли кенг тарқалган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб «ўнг» экстремизм ҳам кучайди.

Собиқ иттифоқнинг парчаланиши билан боғлиқ сиёсий тизимдаги кескин ўзгаришлар асосан бундай ҳаракатларни мажолсизлантирган бўлса-да, «сўл» ва «ўнг» экстремизм ҳанузгача асосий оқимлар сифатида хуружларини тўхтатмай келмоқда. Сўл экстремизм намояндалари одатда, марксизм, ленинизм, троцкизм, анархизм каби кескин руҳдаги таълимотларга мурожаат қилиб, гўё ўзларини оддий халқ қарашларини ҳимоя қилувчи «ҳалоскор» сифатида кўрсатишга уринадилар. Улар «ғарбий демократия» қадриятларини тан олмайди. Ўнг экстремистлардан сўл экстремистларни «коммунистик» қарашлар ажратиб туришига қарамай, иккала оқимнинг йўналишлари бир-бирига тобора уйғунлашиб бормоқда. Ўнг экстремизм ҳам сўл экстремизм каби ўз қарашларини амалга ошириш мақсадида куч ишлатишнинг барча усулларидан фойдаланади, турли жалб этувчи жозибадор шиорлар остида иш юритади. Шунингдек, ўнг террористлар «қизиллар»дан фарқли ўлароқ, кўпинча радикал ҳарбий ташкилотлар ҳам тузадилар. Бу ташкилотлар ҳам ошкора, ҳам махфий тарзда фаолият юритувчи жанговар гуруҳлар сифатида намоён бўлади. Бундай гуруҳлар Лотин Америкасидаги «Ўлим эскадронлари»га ўхшаш фаолият олиб боради.

Экстремистик ақида ва ҳаракатларнинг тарқалиш ҳудудлари кўпроқ ҳали шаклланиб улгурмаган ва жамият эътиборидан четда қолган ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, люмпенлашган (ўта муҳтож) кишиларни ўз ичига олмоқдаки, улар ўзларига хос экстремистик ақидалар ва куч ишлатиш воситасида жамиятда ўз ўрнини топишга ва ўзларини эътироф эттиришга интилмоқдалар. Баъзан эса экстремистик қарашлар таъсирига зиёлилар, диндорлар ва ҳарбийларнинг вакиллари ҳам тушиб қолмоқда. Чунки уларни кўпчилигининг ғоявий ва мафкуравий қарашлари яхши шаклланмаганлиги сабабли ҳам улар гўёки, экстремизм услубларини кундалик иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ечишдаги ягона йўл, деб биладилар.

Баъзи ҳолларда экстремистик ҳаракатлар маълум бир ҳодисаларга дуч келганида миллий ёки сиёсий озчилик экстремизмига айланиш ҳоллари ҳам учрайди. Одатда, сиёсий озчилик экстремизми сиёсий ҳокимият учун курашнинг бошланғич даврларида намоён бўлади. Сиёсий ҳокимият бошқаруви кўпчиликнинг қўлида бўлган (тизимлашган) пайтларда озчилик учун сиёсий иродани амалга ошириш мақсадлари экстремистик услубларга талаб ва эҳтиёж пайдо қилади. Чунки бусиз сиёсий ҳокимиятнинг мавжудлиги ва фаолияти ҳам таҳдид остига тушиб қолади. Бундай вазиятларда ҳосил бўлган ҳолатдан чиқиш учун тўғридан-тўғри куч ишлатишга мойиллик пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам сталинчилик ва кейинги шахсга сиғиниш жараёнлари ўз сиёсий режимини легитимлаштириш учун оммавий равишдаги репрессияларни қонунлаштиришга ҳаракат қилган эди.

ТЕРРОРИЗМ ВА НАРКОБИЗНЕС

Терроризм ва экстремизм қайси минтақаларга ёйилган бўлса, ўша ерда наркотик моддаларни етиштириш, истеъмол қилиш, ундан миллионлаб, ҳаттоки миллиардлаб доллар фойда олиш авж олиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Наркотик моддалар етиштириш ва ишлаб чиқиш терроризмнинг кенг тарқалиши ва авж олишига мутаносиб равишда кўпайиб борди. Масалан, БМТнинг наркотик воситаларни назорат қилиш бўйича халқаро дастури маълумотларига биноан 1987 йилда 2800 тоннага яқин наркотик моддалар ишлаб чиқилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 6 минг тоннадан ҳам ошиб кетди. Шундан 4500 тоннадан ортиқроғи Афғонистон ҳиссасига тўғри келди.

Афғонистонни «Толибон» ҳаракати эгаллаши билан мамлакат бутун дунёга наркотик моддалар етказиб беришнинг марказига айланди. Бир килограми Афғонистон чегарасида минг доллар турадиган наркотик модда Лондонда 210-220 марта қиммат нархларда сотилиши уни ишлаб чиқиш, керакли ерга узатиш ва сотиш атрофида ўзига хос жиноий уюшмаларнинг яширин шаҳобчалари ўргимчак уясидек тармоқланиб кетишига олиб келди. Терроризм ўз хуружлари ва фаолиятини молиялаштириш ва шахсий даромадлар олиш учун наркотик моддалар етиштириш ва сотишни авжига чиқариш билан бирга дунё миқёсида миллионлаб ёшларни наркотик моддаларга ўргатиб, ўзлари эълон қилган мафкуралари ва қарашларига тескари иш қилишлари бугун ҳаммага аёндир.

1994 йилнинг октябрида диний таҳсил олаётган толиблар гуруҳи томонидан ташкил этилган «Толибон» ҳаракати ҳам ўзининг дастлабки давридан бошлаб наркотик моддалар етиштириш ва сотиш воситасида куч сифатида шаклланди, илдиз отди. Фақат 1999 йилга келибгина Афғонистонда наркотик моддалар етиштириш 1998 йилга нисбатан деярли 1,5 минг тоннага ортди.

Экстремист ва террорчиларнинг яна бир мақсади Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудларида халқаро наркобизнес билан шуғулланувчи доиралар учун наркотрафик кенгликларини яратишдир. Наркотик моддалар Ўрта Осиё минтақасига яқин чегарадош жанубий ҳудудларда етиштирилиши сабабли ҳам уларнинг фаол ҳаракатлари Ўзбекистон, Қирғизистон каби давлатлар чегараларига қаратилди. Чунки, наркотик моддаларни Ўрта Осиё ва Россия ҳудудлари орқали Европадаги истеъмолчиларга етказиб бериш арзон ва қулайдир. БМТнинг расмий ахборотларида кўрсатилишича, жаҳондаги наркотик моддаларнинг 75 фоизи Афғонистонда ишлаб чиқарилиб, уларнинг деярли 90 фоизининг истеъмолчилари Европа мамлакатларидаги гиёҳвандлардир.

МОҲИЯТ ВА ТАРИХ ҲУКМИ

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги қонунчилик тизимида терроризмга доир тушунчаларга аниқлик киритилди. 2001 йилда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида бу тушунчалар шундай ифодаланган: «...**терроризм** – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастланиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишига мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар; **террорчи** – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс; **террорчилик гуруҳи** – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи; **террорчилик ташкилоти** – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашувидир».

Ҳеч бир ғоя узоқ йиллар ёвузликка ниқоб бўла олмайди. Инсоният ҳар бир воқеа-ҳодиса, тушунчаларни, эзгулигу ёвузликни тарих варағига ўз номида ёзиб келган. Зеро, тарих садолари чинакам воқеликдан, ҳақиқтдандир, ўткинчи ноғоралар садоси эмас.

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

ТОЛЕ ЁР БЎЛСИН

(Боши 1—бетда)

салар ўта мураккаб ривож шароитида мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги туб манфаатларини изчил қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади.

Ҳақиқатнинг кўзига тик қараб тан олмай илож йўқ. Аждодларимиз буюк маънавий-маърифий мерос яратдилар. Уларнинг улуғвор ижодкорлик руҳига таъзим қилган ҳолда адолат юзасидан шуни ҳам айтиш жоизки, ота-боболаримиз мустақиллик таълимотини яратмаган эдилар. Худди шунингдек, ота боболаримиз мустақилликнинг бугунгидек катта амалиётини ҳам кўрмаган эдилар.

Бу нарсаларни қуриш ва яратиш бизга замондош наслларнинг чекига тушди. Таълимот ҳам келди. Амалиёт ҳам келди. Улар бизни аниқ-равшан ёруғлик ва рўшноликка бошламоқда. Шарқда маҳкам оёқда турган ҳолда бутун дунё тараққиёти тамойилларидан, Европадан ўрнак ва ибрат олишга чақирмоқда.

Мустақиллик таълимоти ва амалиёти ҳар биримизнинг ҳаётимизга кириб келганлиги туфайли юзимиз дунё олдида ёруғ бўлди. Тиз чўкиб яшашдан қутулдик. Мамлакат Алпомишлардай, Жалолиддинлардай, Улуғбеклардай бўлиб қад ростлади. Давлат давлатдай бўлсин, деган тушунча бутун халққа етиб борди. Халқ яхши яшаш йўлида инқилобий тарзда ўзини ўзгартириши кераклигини англади.

Дунёда давлатнинг таназзулга учраганидан кўра ёмонроқ нарса йўқ. Ҳамма нарса путурдан кетади. Одамларда давлатчиликка, хотиржам яшашга ишонч сўнади. Турли ёмон иллатларнинг урчиши шундан. Бизнинг авлоднинг кўз ўнгида Афғонистонда, Совет Иттифоқида, Югославияда, маълум бир вақт яқин қўшни давлат таназзулга учради. У ерларда рўй берган туганмас фожиалар, ўта бемаъни қурбонлар шу давлатчиликнинг таназзули оқибатида келиб чиқди.

Ўзбекистонда давлатчилик, давлатни бошқариш ва қуришни тинимсиз мукаммаллаштириб бориш, давлатчилик ғоясини фуқаролик ғояси билан уйғунлаштириш, фуқаролик жамиятини ва унинг институтларини одил давлатчиликнинг асоси деб қараш бош йўлга айланди ва демократик бошқариш устуворлигикни таъминлади. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирига худди Тоҳир-Зуҳрадай боғланганлиги, муҳаббати айрилмас эканлигини англаяпмиз.

Ўзбекстон шу йўлдан бораётганлиги бизнинг жуда катта ютуғимиз.

ВАҚТ – ЎЗБЕКИСТОН ВАҚТИ

Олий Мажлисимизнинг декабрда бўлиб ўтган сессияси иқтисодий ислоҳотларга катта мадад берадиган ҳужжатлар қабул қилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002–2003 йилга мўлжалланган дастурини тасдиқлади. Уларнинг амалга оширилиши туфайли мамлакатимиз эзгу ишларнинг файз-баракотига тўлади. Яна бир чуқур инсоний гап шуки, диёримизда кекса кишилар, ногиронлар, мададга муҳтож инсонларга ҳаётий қулайликлар яратиш юзасидан талайгина ишлар қилинмоқда. Шуни яхши англамоқ кераккки, қарияларга яхши шароит яратилган, улар ҳаётдан, элдан, юртдан ризо бўлиб яшаётган мамлакат мустаҳкам, хавфсиз, таҳдидлардан ҳамиша огоҳ ва уларнинг олдини олишга қодир бўлади. Қарилар ризо бўлган мамлакатнинг бели ҳамиша маҳкамдир.

Атрофимиздаги ён давлатлар – билан иқтисодий, маданий алоқаларнинг кенгайиши бу мамлакатларнинг ҳар бири учун энг улкан ютуқдир. Бу яқин, чин биродарона ҳамкорлик мамлактларимиз тақдирида кўпинча илдизи бир ё ўхшаш бўлган турли иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ва ўз вақтида ҳал қилиш, халқларимизнинг фаровонлигини кўтариш, миллий мустақил давлатларнинг хавфсизлиги, дахлсизлигини таъминлашга хизмат этади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ўта фойдали ва самимий учрашувлари, уларда қабул қилинган реал ҳаётий қувватга эга ҳужжатлар, «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти»нинг дунёга келиши халқларимиз қалбини умид билан тўлдиради.

Бу жиҳатдан халқаро ҳамжамият билан яқин ҳамкорликдаги ҳаракатлар, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида ўзаро ишонч ҳақидаги тарихий меморандумда баён этилган узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тадбирлари ҳамда уфқларимизни белгиловчи йўналишлари ҳеч шубҳа йўқки, иқтисодий ислоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқади, халқимизнинг тараққётига янги кенг йўл очади.

Мана шуларнинг ҳаммаси барча жамоат ташкилотлари, миллий тикланиш ғояларини кўтараётган партиямиздан енг шимариб ишлаш, тер тўкиш, Навоий ибораси билан айтадиган бўлсак, комронлик кўрган одамлар каби элга хизмат қилиб яшашни зиммамизга юклайди.

Ўзбекистонни унинг қатлам-қатлам маданий бойликларини назарда тутиб авлиёлар ўлкаси дейишади. Биз бу гапни замонавийроқ, реалроқ қилиб, Ўзбекистон – ғоялар мамлакати деб айтамиз.

Ғояларнинг қудратини ҳаётнинг қудратига айлантириш учун куч-ғайратини аямайдиган халқ фаровонлик топмай иложи йўқ.

Келаётган замонларга шу улуғ умид билан қадам қўямиз. Вақт Ўзбекистон учун ишлаётганига имонимиз комил. Чиндан ҳам, бу Ўзбекистоннинг вақти. У юракларимиз зарбларида акс садо бермоқда!

Ўзбекистонимизнинг иқбол ва саодат билан туғишгани рост ва барқарор бўлсин!

Азизлар, қадамларингиздан чаманлар унсин!
ВАҚТ СИЗНИНГ ВАҚТИНГИЗ! ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Орият

«ДАРМОН»МИ, ДАРОМАД?

Кунларнинг бирида туркманистонлик Хуморгул Худойберганова савдо-сотиқ билан шуғуллансам, деб ўйлаб қолди. У Ҳазорасп туман бозорига олти қоп полиз маҳсулоти олиб келади, қараса савдо ҳам ёмон эмас-ку, аммо бу фойдага ҳали қаноат қилгиси келмади. У бундан-да тушуми кўпроқ нарсалар савдоси билан шуғулланишни истади. Қўлидаги пулларига шу бозорнинг ўзидан 5 мг лик 20 таблеткадан иборат бўлган, 30 конвалюта, яъни 600 таблетка психотроп моддасини сотиб олди. Агар бу таблеткаларни кўзлаган мақсадига эришиб Туркманистон Республикасига олиб бориб пулласа, анчагина даромад қилса бўлади-да. Лекин, олиб борган таблеткаси кимга фойда-ю, кимга зиён, буни у ўйлаб ҳам ўтирмади, бу модда билан савдо-сотиқ қилиниши қонунга хилофлигини ҳам билиб, билмасликка олди. Ҳартугул, бу аёл кимларнидир шу афюн билан заҳарланишига сабаб бўлишга улгурмади. Хуморгул Худойназарова божхона ходимлари томонидан ушланди, ўз шаънига, гул аталган исмига доғ туширди.

Чиройли исм билан инсоннинг табиати ҳам чиройли бўлиши қийин. Ҳазорасплик, эндигина 29 ёшга кирган Ҳавво Самандарованинг исмини эшитган ҳам бу аёл «лаббай» сўзидек жуда мулойим ёки ҳаводек ҳалим табиатли бўлса эҳтимол, деб ўйлар.

Ҳавво Самандарова ҳам пул топиш илинжида «олди-сотди»нинг ноқонуний йўлини танлаб, Ҳазорасм туманининг Ҳазорасп кийим-кечак бозорида Гуласал исмли аёлдан 410 миллиметр, яъни 2,05 грамм бўлган 205 ампула – «Relanium Diazelan» ва унинг 5 грамм бўлган 1000 дона таблеткасини сотиб олгач, бу моддаларни Туркманистонга ноқонуний йўл билан ўтказиб сотиш мақсадида йўлга чиқади. Бироқ, «Урганч темир йўл бекати» божхона пости ходимлари Ҳаввонинг бу ғайриқонуний фаолиятига нуқта қўйишди.

Гулларга қиёсланган бу аёллар чексиз меҳру таровати билан ҳаёт завқини ато этиш ўрнига, ажал сувратига киргандай заҳри қотил улашяптилар.

Агар туркманистонлик Гулхумор Мадаминова ўз юртидан олган 33,5 грамм героин гиёҳванд моддасини худди ўзи кўзлаган мақсадини амалга ошириб, юртимизга келтириб сота билганида, қанча кишининг ҳаётига зомин бўлган, исми Гулхумору қилган иши, «Ажалхумор» бўлган бўлар эди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён бир неча бор Президент Фармони билан амнистия эълон қилиниб, бунда айниқса хотин-қизларга жиддий эътибор қаратилди. Уларнинг жазолари енгиллаштирилиб ва ҳаттоки аёллиги, оналиги боис кўпчилиги авф қилинди. Балки, баъзи шукр қилмас аёллар буни ўзича талқин қилиб, жиноят қилсак ҳам барибир бизга ҳеч қандай жазо беришмайди, деб ғафлатга ботаётгандир.

Гул санамларимиз ўзига муносиб бўлишини, сара гуллар қаторидан чиқиб кетмаслиги, умримиз безаги бўлиб қолишини истайди киши.

Рустам СОДИҚОВ,
Оролбўйи транспорт прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси,
Муқаддас ИСМОЙЛОВА,
журналист

Норин туманидаги Жўжа қишлоғида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилинган вақтинчалик ва бир марталик иш билан таъминлаш маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказнинг аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш борасидаги намунали хизматидан кишилар мамнун.

Олим ҳақида сўз

ҲАЁТ ГУЛШАНИ

Шарқшунослик ва фалсафа илми соҳасига катта ҳисса қўшган академик Музаффар Хайруллаевнинг 40 йиллик зиёли фаолияти фанимиз тараққиёти билан муштарак бўлган ёрқин саҳифаларга бой.

Мусулмон Шарқи халқларининг ижтимоий-фалсафий фикри тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганган олим бу соҳа бўйича илмий мактаб яратди, десак муболаға бўлмайди.

Айниқса, унинг Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккири, машҳур файласуф Абу Наср Форобийнинг фалсафий меросини ўрганишдаги хизматлари беқиёс. У 60-йиллардан бошлаб мутафаккирнинг бой фалсафий дунёқарашини ўрганишга киришиб форобийшуносликка асос солди, шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Музаффар Хайруллаевнинг «Форобий ва унинг фалсафий рисолалари», «Форобий дунёқараши ва фалсафа тарихида унинг аҳамияти», 1982 йилда Москвада нашр этилган «Абу Наср ал-Форобий» ва бошқа йирик монографиялари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Жонкуяр олим Ўрта Осиё Ренессанси – Уйғониш даврини ўрганиш ва илмий жиҳатдан асослаб бериш борасида кўп йиллар изланиш олиб борди, унинг Оврупо Ренессансидан фарқ қилувчи томонларини, бу ҳодиса Шарқда анча олдин пайдо бўлганлиги ва ўзгача шароитда ва ўзига хос тарзда ривожланганлигини кўрсатиб берди. Унинг «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» номли монографиясида Ўрта Осиё халқлари тарихида Ренессанс босқичлари тўғрисида муҳим ғоя ҳар томонлама асослаб берилган.

У ўз тадқиқотларида маданият назарияси ва тарихи, ворислик, маънавий қадриятлардан фойдаланиш, маънавий меросни ўзлаштириш услублари, муҳим хусусиятлари, миллий маданият тараққиёти тарихи, турли халқлар маданиятининг ўзаро таъсири ва бойиб бориши, Ўрта Осиё Фалсафий фикри ривожланишида қадимги юнон мутафаккирларининг таъсири, ҳурфикрлилик ва унинг намоён бўқлиши қаби кўплаб долзарб муаммоларни таҳлил қилди. Музаффар Хайруллаевнинг бир қатор тадқиқотлари Муҳаммад Хоразмий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий каби буюк алломаларнинг табиий илмий ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритишга, фанларни туркумлаштириш ва мантиқ фанига бағишланган.

Олимнинг фан ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовор, у узоқ йиллар мобайнида ЎзР ФА Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтини бошқарди, ҳозир эса Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтига раҳбарлик қилиб, илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Музаффар Хайруллаев 600 дан ортиқ мақола, рисола ҳамда монографияларнинг муаллифи, 60 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари етиштирган устоз олимдир. Унинг илм-фан соҳасидаги хизматлари, ҳалол меҳнати ҳукуматнинг қатор орден ва медаллари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, моҳир ташкилотчи, забардаст олим, ёшларнинг меҳрибон устози, академик Музаффар Хайруллаев қутлуғ 70 ёшга тўлди, у илму фан равнақи учун янгидан-янги асарлар ёзмоқда, ақл-заковати ва қалб қўрини илмга бағишламоқда.

Устоз олимга етмиш йил зиёли умрини ёритган илм нури яна узоқ йиллар ҳаёт гулшанини чароғон этишини тилаб қоламиз.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
Баҳриддин МАННОНОВ.

АФАНДИСИ БОР ЮРТДА

Ўзбек ҳажв-мутойиба театри бўлса

Ўзбек халқи азал-азалдан кулгисевар, ҳазил-мутойибани жон-дилидан хуш кўради. Каттароқ тўй-ҳашамми ёки бирор кичик уч-тўрт кишилик даврами, албатта қизиқчи гурунгларисиз ўтмайди. Икки таниш учрашиб қолса, ҳам бир-икки оғиз ҳазил гап қилмаса кўнгли жойига тушмайди. Баъзан одам турмуш ташвишларидан чарчаган дамлари бир ҳузур қилиб ташвишларини ёзгиси, ҳордиқ чиқаргиси келади. Шундай пайтда беихтиёр «Қанийди бир ҳажв-мутойиба театри бўлса-ю, кирсанг, мазза қилиб ҳордиқ чиқарсанг», деган ўй кўпчиликнинг кўнглидан кечса, ажаб эмас. Дарвоқе, бундай театрлар кўплаб мамлакатларда мавжуд.

Кулгу – кишини руҳан тетик қилади. Руҳан тетик ва соғлом кишининг меҳнати самарали ва баракали бўлади. Қолаверса, ижтимоий маънили, турмушдаги иллатларни фош қилувчи ҳажв-мутойибалар барчанинг ҳам маънавий дунёсига таъсир қилиб, уларни соғлом ҳаёт кечиришга ундайди. Ўзбек ҳажв-мутойиба театри бир томондан жамиятда соғлом турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан, келтирадиган даромади билан жамиятимизнинг иқтисодий ривожига ҳам улуш қўшган бўлур эди. Ўйлайманки, бозор иқтисодига ўтиш шароитида бундай театр барпо қилиш жамиятнинг ижтимоий-маънавий бир эҳтиёжи кабидир, қолаверса, Афандиси бор халқимизнинг эзгу истагидир.

Яна бир умидки, бу театрларда бачкана қилиқлар қилиб, бемаъни, парда ичида бепарда сўзлар билан одамлар ғашига тегадиган, айниқса, ёшларнинг маънавий тарбиясига аксинча таъсир қиладиган сохта «қизиқчи»лар эмас, балки ҳақиқий истеъдод соҳиблари халқимизга чинакам афандиёна хизмат қилишса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Саломат МАТКАРИМОВА

Мухлисона

Тоҳиржон Ҳамроқулов олган суратлар.

АЖАБ ЎЙЛАР

Оила бюджети ҳақидаги сўзимни замонамиз қизларига бироз ажабланарли савол бермоқ билан бошласам: Айтайлик, Мажнун сизни Лайлиси каби севса ёки бошқача қилиб айтганда, сизнинг ҳам шундай Мажнунингиз бўлса, ҳамиша чўли биёбон кезиб юрган, ҳеч мулки бўлмаган ошиқи девона билан ҳаётингизни боғлашга рози бўлармидингиз? Ахир, кўполроқ қилиб изоҳлаганда, Мажнун оила бюджети нима эканлигини билмайди-ку?!

Энди агар шу нуқтаи назардан қаралса, Лайлини ҳозир ҳам йигитлар жонжон деб танлаган бўлур эдилар десам мулоҳазаларимга қўшиласиз деб ўйлайман. Лайли бугун учун ҳам чинакам замонамиз қаҳрамони бўла олади. Ҳатто ўз давридан ҳам кўра кўпроқ у бугуннинг Лайлиси десам янглишмасман. Гап Лайлига муносиблик ёки номуносиблик ҳақида эмас, гап – танлаш тарзида.

Айни пайтда Лайлиларнинг оталари қошида бугуннинг бундай йигитлари Мажнун эмаслигини таъкидлаш жоиз, улар моддий имконият борми-йўқми, муомалани билади, гапга чечан. Хўш, энди сизнингча, бугуннинг бу йигитлари оила бюджетини биладиларми?

Ахир, бу ёғи бир гап бўлар деб «бу ёғи»ни ўйламасдан оилавий ҳаёт эшигини қоқиб турадилар. Аслида бу ҳам бир девоналик каби, лекин жуда унчалик ҳам эмас. Чунки оила бюджетини ҳал қилолмасалар-да, улар буни бир қадар англайдилар ва эҳтимол шу боис Лайлини кўзлайдилар. Аммо оила

Ҳаёт ва қиёс

бюджети аслида бу билан тўлалигича бир умрга қамраб олинмайди. Зеро, умр узоқ, куни келиб бугунги Мажнун Мажнунлигича қолиши мумкин...

Демак, ҳар бир йигитда оила бюджетини англаш, шакллантириш, истиқболини белгилаш иқтидори ва имконияти бўлиши зарур. Агар иқтидори бўлса-ю имконияти бўлмаса, ундай йигит қўрқмасдан Лайлига оғиз очиши мумкин, у – имконият малаги. Кейинчалик эр йигитнинг иқтидори боис бу шахсий имконият туғилади. Хуллас, «Лайли» ҳам, «Мажнун» ҳам бир умр кам бўлмайди.

Энди бошқа бир мулоҳаза. Ота-онасидан мустақил ҳолда ўзи учун оила бюджети ҳақида олдиндан қайғурадиган (уйланмаган йигитлар каби) Лайлилар ҳаёт майдонида кўпайишиб қолди. Нега шундай экана? Замонамиз йигитлари ҳам ана шундай Лайлиларни зимдан излашади. Масъулиятни англашни қаранг!

Оила бюджети – халқ тили билан айтганда, «оила ҳуржун», фақат кўзга кўринмайди. Бу ҳуржуннинг елкага юк босиши тескарироқ, яъни тўлиб турса – енгил, акс ҳолда – оғир. Афсонадаги ошиқи Мажнуннинг бўйнидаги занжирлардан кам эмасдай.

Лайли ва Мажнун – афсона, оила бюджетидан йироқ ўтириб ўқилади, эшитилади. Бу афсона тиниқ гавҳар каби руҳий оламингизни тозалайди, чўли биёбон кўнглингизни чаманга қараган каби ҳаваслантиради, бу – сўз қудрати.

Аммо Лайли ҳам, Мажнун ҳам самовий эмас, оила фарзандлари. Бундай афсоналар яратилиши ва тингланиши учунми, балки оила бюджети ҳақида қайғураётган бугунги Лайлилар ҳақ бўлишса, ажаб эмас...

ЧАҚМОҚ

Тикланиш ва санъат

МИЛЛАТНИНГ МИНГ МУСАВВИРИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейи 1918 йил 19 апрелда ташкил топган бўлса-да, аввалари бу даргоҳда тасвирий санъат намуналари ичида миллий мусаввирларнинг асарлари кўринмас, экспонатлар деярли Ғарбий Оврупо ва рус рассомлари ишларидан иборат эди. Рассомлардан Усто Мўмин тахаллусида ижод қилаётган А. В. Николаевнинг (1925 йилдан бошлаб) «Куёв», «Чойхоначи», «Дуторчи», «Саллали бола», «Беданабоз», Н. Розановнинг «Чилимли ўзбек», арманистонлик рассом Татевасяннинг «Рўза байрами», А. Волковнинг «Бува билан невара», «Чойхона», И. Казаковнинг «Оллоҳ ихтиёрида», М. Курзиннинг «Колхозчилар рақси» ва шу каби асарларни томоша қилган мухлисларнинг бу санъатга қизиқиши, меҳри янада ортиб борди.

Аста-секин музейга миллий мусаввирларни жалб қилиш, улар сафини тўлдириб боришга киришилди. Бу даргоҳда ўзбек тасвирий санъати бўлими очилгунга қадар «Шарқ бўлими» ишлаб турарди.

1920-йилларда бадиий устахона, тасвирий санъат студиялари иш бошлади. Ўрол Тансиқбоев, Акром Тошканбоев, Зарифа Саидносирова ва бошқа шу соҳага қизиққан ижодкорларнинг ишлари илк марта очилган тасвирий санъат кўргазмасида намойиш этилади. Ўрол Тансиқбоевнинг «Ўзбек портрети», Зарифа Саидносированинг «Аҳмад Яссавий мақбараси», Акром Тошканбоевнинг «Колхозчи портрети» чинакам миллий санъат намуналари сифатида ҳаммага манзур бўлади. Ўрол Тансиқбоевнинг «Ўзбек портрети» Москвадаги Шарқ халқлари музейидан жой олади.

1932 йилда Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг ташкил топиши бу соҳанинг ривожланишига яхши имкониятлар очади. Музейнинг 1934 йилда тайинланган биринчи миллий раҳбари Файзи Ёқубович Воисов, Ёзувчилар уюшмасидан музей илмий кенгаши аъзоси этиб тайинланган Абдулла Қодирийлар ташкилотчилигида 1935 йилда музейда 240 ҳаваскор-ўқувчи расмлари кўргазмасининг очилиши қувончли воқеа эди. Унда 22 нафар ғолиб аниқланиб, уларга билим юртида ўқиш учун йўлланмалар берилади. Ўша даврдаги мусаввирлар тайёрлаш учун махсус очилган бадиий билим юртига оврупoликлар «миллатпарастлик қилинаяпти» деб шов-шув кўтаришгач, ҳар йили ўзбек болаларидан 16 нафар, оврупoликлардан 20 та қабул қилинадиган бўлган.

1935 йилда илгари биринчи бадиий музей ҳисобланган нафосат масканига Ўзбекистон давлат санъат музейи номи берилди. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон тасвирий санъат бўлими ташкил топди. Ўрол Тансиқбоев, Акром Тошканбоев, Зарифа Саидносирова, кейинроқ истеъдодли мусаввиримиз Баҳром Ҳамдамийлар асарлари ундан жой олади. Чингиз Ахмаровнинг ўзбек болалари ҳаётидан тасвирланган «Мактаб ўқувчилари», Баҳром Ҳамдамий, Сидқий ва яна бошқа бир неча мусаввирларимизнинг ранг-тасвир ишлари билан бойиди ва бу асарлар томошабинлар олқишига сазовор бўла бошлайди.

Ўтган асрнинг қирқинчи-эллигинчи йилларида миллий мусаввирларимиз сафи янада кенгайди. Уларнинг кўпчилиги республикамиз ва Россия бадиий олий ўқув даргоҳларида таълим олишди. Абдулҳақ Абдуллаев, Лутфулла, Саъдулла ва Самиғ Абдуллаев, Ашраф Розиқов, Рашид Темуровлар портрет, ғоявий мазмунли ранг-тасвир, натюрморт ва манзара асарлари билан машҳур бўлишди. Айниқса, Лутфулла Абдуллаевнинг «Агитатор Шимолий Тошкент канали қурилишида», Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Аброр Ҳидоятов – Отелло ролида», Самиғ Абдуллаевнинг «Автосурат» каби ўнлаб асарларини томошабинлар яхши кутиб олишди.

Ўзбекистон тасвирий санъат бўлимида илгари бармоқ билан саналгудек мусаввирларнинг асарлари қўйилган бўлса, эндиликда буларнинг сони беҳад ортиб 2 мингга яқинлашиб қолганлиги кишини қувонтиради. Бир пайтлар Маннон Саидовнинг «Чўпон», «Оила» асарлари ҳаётийлиги билан кўпларни мафтун этган бўлса, академик мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг «Она ўйлари», мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлган Зокир Иноғомовнинг ўша шўро замонида яратган миллий йўналишдаги асарларидан «Чойга», «Чойхоначи» каби санъат дурдоналари мумтоз ранг-тасвир асарлари сирасига кириб қолди.

Ҳозирги кунда мингдан зиёд рассомларимиз ижод қилишади, санъат мухлислари уларнинг кўпчилигини билавермайди, албатта. Эҳтимол бу улар яратган ишлар деярли ташкил қилинган кўргазмаларда қолиб кетаётганлигидандир. Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари боисми, Фирдавсий Файзуллоҳ, Ортиқали Қозоқов, Акмал Нур, Беҳзод Маҳмудов, Муборак Йўлдошев, Тоҳир Миржалилов ва бошқа кўплаб истеъдодлар мўйқаламига мансуб асарларни сотиб олишга музейларимизнинг имконияти ҳали етарли даражада эмас. Миллий мусаввирларимизнинг энг яхши ишларини ривожланган хорижий давлатлардаги каби харид қилиш, мухлислар эътиборига етказиш тараққиётимизнинг кейинги поғоналарида амалга ошади деб умид қиламиз, албатта.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзоси

Меҳр-оқибат

МАСЛАҲАТЛИ ГАП

Ёғмасанг ҳам сепалаб тур,
Унмасанг ҳам кўрпалаб тур

ОЛИМАНИНГ НУРЛИ СИЙМОСИ

Видо

1949 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факултетини биринчи бор бир гуруҳ ёш мутахассислар битириб чиқди. Шу ёшлардан бири Раҳима Аминова эди. У ўз таҳсилини давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институтининг аспирантурасига кирди. Ўша йиллари бу нуфузли илм даргоҳида кўзга кўринган тарихшунос ва археолог олимлар Яҳё Ғуломов, Рашид Набиев, Василий Афанасевич Шишкин ва бошқа катта олимлар илмий ишлар олиб борар, илмий кадрлар тайёрлаш ишига бошчилик қилар эдилар.

Шу даргоҳда Раҳима Аминованинг Ўзбекистонда тарихшунослик илмини ривожлантиришга қаратилган самарали фаолияти бошланди.

У узоқ йиллар давомида аграр масалалар назарияси ва тарихи билан шуғулланган. Унинг илмий тадқиқотларига қадар Ўзбекистон тарихшунослигида ўзбек деҳқончилиги тарихи деярли ўрганилмай келар эди. Зукко олима аграр муносабатлар ривожланишининг энг мураккаб ва муаммоли томонларини Ўзбекистон мисолида биринчи марта яққол очиб берди.

Академик Раҳима Аминова фикр доираси кенг олима эди. Унга ўз она Ватани Ўзбекистоннинг тарихига оид барча жиҳатлар муҳим ва қадрли эди.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёти, меҳнати, шарқ аёлларининг турмуши, ижтимоий ҳаётдаги иштирокига оид масалалар унинг махсус илмий тадқиқотларида таҳлил этилган.

Олиманинг илмий фаолиятида миллатлараро муносабатларнинг илмий-назарий ва амалий томонлари ҳам алоҳида ўрин тутади, бу хусусда у кўплаб асарлар нашр қилдирган.

Тарих фанининг турли масалалари бўйича Раҳима Аминованинг чоп этилган асарлари 300 дан ортиқдир. Улардан айримлари хорижий тиллардаги китоблардир.

Ўзбекистонда ёш тарихшунос олимлар авлодини шакллантириш ва камол топтириш ишида академик Раҳима Аминованинг хизматлари беназир бўлган. Олима ўз шогирдларига ҳам устоз, ҳам мураббий, ҳам ғамхўр она каби муносабатда бўлиб келарди. Ёш олим ва олималар устознинг илмга муҳаббати, садоқати ва фидойилигидан ҳамиша ибрат олар эдилар.

Олима кишиларга уларнинг амалий иши, илм-фанга қўшган улуши асосида баҳо бермоқни уқтирарди. Бир куни касбдошлардан бири бир илмий ходимнинг ижтимоий ташкилотда ишлаган вақтида йўл қўйган хатолари тўғрисида айтиб қолди, у киши бундай фикрларга рўйхуш кўрсатмади. Ва бу кичик баҳсга чек қўйгандай бўлиб деди:

– Ўша одам ўз хатоларини бўйнига олганми?

– Олган.

– Шундан кейин илм-фанга ҳисса бўладиган қанча асарлар яратгани маълум-ку. Кишининг бир маҳаллар йўл қўйган хатосини ҳадеб пеш қилмоқ маъқул бўлмас. Ўша хатоларини ўз меҳнати, илмий ижоди билан ювганига ҳам тан бермоқ керакдир.

Дарҳақиқат, киши биров тўғрисида, унинг сенга ёқиш-ёқмаслигидан қатъий назар, қилган меҳнати, бу меҳнатнинг қадр-қиммати, фойдали натижаларини кўз олдига келтириб фикр юритмоғи лозим экан. Академик Раҳима Аминованинг берган бу сабоғи менинг хотирамда доим сақланади. Олиманинг ҳаёти ва фаолиятида бундай ибратга сазовор ишлар, воқеа ва ҳодисалар кўп бўлган.

Академик Раҳима Аминова Ўзбекистонда етишиб чиққан тарихшунос олимларнинг пешқадамларидан бири эди. У Ўзбекистонда Хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, Беруний номли Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, кўпгина бошқа хил мукофотларга ҳам сазовор бўлган. Унинг бутун фаолияти илмий тадқиқотлар ва ижтимоий ишларни баравар, уйғун олиб бормоқнинг ёрқин тимсолидир.

У кўплаб халқаро анжуманларда иштирок этган. Швеция, Болгария, Мексика, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Москва ва бошқа жойларда бўлиб ўтган илмий йиғилишларда бу ўзбек олимасининг мазмундор ва илҳомли чиқишлари ҳар доим халқаро илмий доираларда катта қизиқиш уйғотар, ўзига хос таассурот қолдирар эди.

XX аср ўрталарида миллий озодлик ҳаракати ғалаба қозонган айрим мамлакатлар ўз истиқболини қурмоққа йўл излар эдилар. 1962 йили Москвада шу масалаларга бағишланган тарихшунослар анжуманида ўзбек олимаси академик Раҳима Аминова ҳам маъруза қилди. Олима инсониятнинг янги шароитдаги тараққиётини таъминламоқ учун бор тарихий тажрибани чуқур ўрганмоққа, ҳар бир тарихий ҳодисадан олинган сабоқларни ўзлаштирмоққа даъват этиб, бу фикрни аниқ тарихий фактлар билан асослаб берган эди. Олиманинг тавсияларини тарихшунослар жамоатчилиги қизғин маъқуллади...

Рамазон ҳайити куни мўътабар олима ва педагог, толмас жамоатчи, азиза инсон, ғамхўр ва меҳрибон она Раҳима Аминова ёруғ дунёдан кўз юмиб абадийлик оламига ўтди.

Навоий лутф қилганидек:

Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Устоз академик Раҳима Аминова элу юртга, илм-фанга сидқидил хизмат қилиб яхшилик билан от чиқарган саодатманд инсондир. Бу муҳтарам зотнинг шарафли хотираси эл-юрт юрагида абадий яшайди.

Азиз ҚАЮМОВ
академик

«Авесто»ни ўқиб...

ОДАТЛАР ВА ОДОБЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

НОН ҚАДРИ

Ҳаж зиёратига борган ўзбеклар арабларнинг нон қолдиқларини ташлаб юбораётганликларини кўриб ҳайратга тушадилар. Гуноҳ эмасми? Араблар эса айтадилар: «Оллоҳ нозу неъматларни бандаси учун яратган, инсондан азиз эмас».

Бизга эса болалигимиздан нон азиз, деб унинг ушоғини ҳам исроф қилмаслигимизни уқтирганлар, ерга тушса олиб ўпиб пешонага суриш кераклиги ҳақидаги ўгитлар ўзбекларнинг қон-қонига сингдирилган, одатга айлантирилган. Аслида тарбия ҳам ислом дини номи билан кўп далолат қилинган. Лекин ислом дини пайдо бўлган ўлкадаги арабларнинг нонга бўлган бу оддий қарашлари, нонни илоҳий неъмат каби билгувчи ўзбекларга у қадар ботмайди. Хўш, бунинг боиси нимада?

Нон – Ўрта Осиё халқлари учун азалдан азиз саналган неъмат. Нон ҳақида қанча китоблар битилган, ҳикматлар айтилган, уларни жамласа катта жавон бўлади.

Нон – ҳамма тўй маросимларнинг шоҳи, «нон ушатиш» билан икки ёшнинг тақдири бирлик топади. Нон ғанимни дўстга айлантиради. Нон-насиба узилмаслик рамзи. Узоқ сафарга ёки хизмата кетаётганларга нон тишлатиб, кейин уни сақлаб қўядилар.

Ажабо, бизга одат бўлган бу хислат қачон, қаерда, қандай пайдо бўлди экан?

Бизнинг нонга эътиборимиз ва шунга ўхшаш хислатлар туфайли пайдо бўлган одоб, одатларимиз исломдан олдин неча минг йиллар илгари маънавиятимизга кириб келиши зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» билан боғлиқ экан.

«Авесто»да буғдой униб чиқиши билан девлар маҳв бўлади. Кимки буғдой ўстирса, ҳақиқатдан ҳам энг даҳшатли девлар – Очлик ва Муҳтожликни енгади. Нон – бу тирикчилик тахтининг ҳукмдори. Оддий нон, иқтисодчилар тилида «кенг истеъмолдаги маҳсулот», табиийки, давлат ва оила миқёсидаги энг олий, ҳар доим ҳал қилиниши зарур бўлган масала, ҳаётий эҳтиёждир.

Болалигимизда баҳор пайтлари маҳаллла аҳли ҳашарга – ариқ тозалашга чиқиларди. Бақироқ чоллар тап тортмай ҳаммани ишга ҳайдаган, буйруқ бергани-берган. Маҳаллада чапани «Худо бас келмаса, бандасининг қўлидан келмайдиган» йигитлар бўларди. Ҳеч кимдан қўрқмайдиган, тап тортмайдиган бу йигитлар ҳашарда мулойим тортиб қолар, қўли кетмонга тегиб ишлагандек бўларди. Негаки, сув чиқаришдек энг улуғ ишдан бўйин товлашдек гуноҳдан қўрқиларди. Сув чиқариш бу «Авесто»да битилишича энг олий савобдир, бу ишга бош қўшмаган эса халқ тилида «якка мохов» бўлиб, жамоадан ҳайдалган.

Сув чиқариш ҳукмдорларнинг ҳамиша энг катта орзуси ва бурчи ҳисобланган. Айтадиларки, Зол-шоҳ Тошкентдаги Зол ариғи тарихини чизган – муҳандислик қилган ва ўзи ерга илк кетмон урган экан. Кайковус эса ариқ ковлашда оддий инсондек меҳнат қилган. Негаки, бу шоҳларга ҳам ибодатдек муқаддас ишга айланган. Ўтмишда ариқ қазиб сув чиқариш ҳам шарафли, ҳам машаққатли, ҳам мураккаб бўлганлигининг яна бир жиҳати шундаки, мабодо ариқ қазилиб сув чиқмай қолса, халқ миробни ҳам, бу ишга раҳбарлик қилганларни ҳам оломон қилган. Ахир, айтайлик, Тошкент шаҳрининг ариқлари бўлмаганда, шаҳарнинг ўзи бўлмасди-да. Зол ва Кайковусларнинг на саройи, на китоблари ва на хазинаси қолди, фақат ариқлар оламу одамга жон бағишлаб, унсиз меҳнат ибодатининг қўшиғи каби оқиб ётади...

«Тарих – исбот талаб қилмайдиган фалсафа» дейдилар. Тарихда ким – ҳукмдорми ёки оддий инсон бўлса ҳам, бой бўлса ҳам энг аввал ариқ қазиш – сув келтиришдек ибодатга чоғланган.

Ўрта Осиёда сув – бу ҳаёт, Ер – хазина деб бежиз айтилмаган. Ҳатто, «томга шолғом экиб, бўғотдан суғуриб олса бўлади. Арава шотиси пахса деворга қадалса, сув бўлса шохлаб кетади», деган ибораларда ҳикмат кўп.

Улус бундай руҳий, маънавий қувватни қаердан олган? Яна «Авесто»га мурожаат қиламиз. У даврларда кишилар қабила бўлиб яшардилар, тирикчилик ов қилиш ҳамда меваларни териб ейиш, яъни табиатдан фақат олиш билан кечарди, холос...

«Авесто»да битилади: «Кимки ҳожатидан ташқари ов қилса, қўли кесилади». Аҳоли сони ортавергач, хоҳлаганча ов қилиш мушкуллашади, овсиз эса одамларни қишда очлик кутади. Оқибатда ов ерлари учун қирғинбарот жанглар бўлиб туради. Яшаш учун кураш, ё сен-ё мен қабилида, ҳеч кимнинг очдан ўлгиси йўқ. Шу даврда «Авесто» оламга келади, қирғинни тўхтатишга чорлайди. Аммо очлик эса ҳеч қандай хитобни эшитмас эди. У бир ғояни ўртага ташлайди: бир қабиланинг яшаши учун ов қилишга минглаб гектар ер керак. Чорвачилик қилса, неча юз гектар етади. Дон экса, ўнлаб гектарнинг ўзи очликдан қутқаради.

Инсонлар овчилик ва бир-бирини қириш ўрнига чорва ва деҳқончилик билан бемалол яшаши мумкин. Ярим ваҳший қабила бўлиб яшаётган одамларга яшаш учун курашда ўлдириш эмас, балки меҳнат қилиш иборасини яратди бу муқаддас китоб.

«Авесто» – бу юмушни шарафли бажарди. Инсоният тараққиёт сари энг улкан қадамини қўйди. Деҳқончилик эса сув билан боғлиқ, уни Тангри беради. Сув Тангрининг илоҳий неъмати каби муқаддас эди.

«Авесто» – инсониятнинг энг оддий ва доҳиёна одобларини амалга олиб кирди. Энг муҳими, табиатга ғаним сифатда қарашни йўқотишга ҳаракат қилди. «Авесто» табиатни, ҳайвонларни англаш, тушуниш ва дўст тутиш одобини оламга келтирди. Инсон табиат билан дўстдек сўзлашадиган, сирлашадиган бўлди.

«Авесто»нинг сувга нисбатан ибодат одатлари у ер-бу ерда яқин-яқинларгача сақланиб келган. Тошкентдаги «Чорсу»да ҳатто ўтган асрнинг 30-йилларида ҳам ёмғир бўлмаган йилларда махсус ажиб бир ибодат қилинарди. Арқонларга қурбақалар осиларди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» китобида «Эски намозгоҳ» номи борлигини эсланг. «Эски намозгоҳ» – бу оташпарастлар ибодатхонаси, бу ерда кунларни аниқлайдиган тош қурилма ҳам бўлиб, у оташпарастлар расадхонаси ҳам эди.

Ёмғир сўраб ўқиладиган махсус ибодат – оддий жума намозидек бўлган. Ёки Чўпонота, Қўйлиқ ота авлиёликларининг тарихи ҳам чорвачилик илмининг илк яратилишига бориб тақалади, дейишимиз мумкин. Ҳали ҳам кишилар Чўпон ота ёки Қўйлиқ ота мозорларини зиёрат қилар экан, бу авлиёларнинг кароматининг нимада эканлигини ҳамиша ҳам англайвермайдилар. Қўйлиқ отанинг эл олдидаги хизмати – чорвони билиши, зарур маслаҳатлари ва тадбирлари эди. Буни ҳозирги тилимизга ўгирсак, Чўпон ота Қўйлиқ Ота ўз даврининг олим академиклари бўлган дейишимиз мумкин. Бу қарашлар «Авесто»да тилга олинган коҳинларни, таъбир жоиз бўлса, илмий ходим ваколати доирасида кўришганча ўринли эканлигини билдиради.

«Авесто»ни ўқиш халқимизнинг бугунда яшаб келаётган азалий қадриятларини англашимизда ҳамиша ана шундай кўмак беради.

Акбар ЮНУСОВ

Сўз сирлари

БУ СЎЗЛАР СИЗГА ТАНИШМИ?

ЕР ИТИ — БЎРИ

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ер ити бирикмаси учрайди:

Ким бўрилик этса қавла ани,
Ул ер ити бирла овла ани

Ушбу асарнинг насрий ифодаси Амин Умарий ва Ҳусайнзода томонидан қуйидагича изоҳланган: ким бўрилик қилса уни қувлаб, ўша ернинг ити билан уни овлагин. Изоҳдан кўриниб турибдики ер ити бирикмаси изоҳловчиларга нотаниш бўлгани учун байт мазмуни бироз мавҳум бўлиб қолган.

Ер ити қадимги туркий халқларда бўри сўзининг эвфемизми бўлган. У ҳозирги туркий тиллардан тува тилида сақланиб қолган: чер ыти — бўри.Демак шоирнинг мақсади аниқ: ким бўрилик қилса, бўрилик билан жавоб бер.

ИЛ — ОЛД

Эски ўзбек тилида олд маъносида ал сўзининг ил варианти ҳам мавжуд бўлган. Алишер Навоий асарларида бу сўз илак шаклида ҳам учрайди:

Нафсингға не зулм бўлса мақсад,
Шаҳни илайингда айла мавжуд.

Ил сўзи ҳозир истеъмолдан чиқиб, илк, илғор, илдам сўзлари таркибида қолган.

ИН — ОВОЗ

Овоз товуш маъносида эски ўзбек тилининг «у»ли шевасида ун ва «и»ли шевасида ин сўзлари ишлатилган. Ҳар иккала сўз «Лайли ва Мажнун»да учрайди:

Чун кўрди онаси бу қаро кун,
Чекти бу қаро кун ичра бир ун
* * *
Хушвақт ўлубон кўпуб тарабнок
Индатти аҳлини пок.

Тилимизнинг ривожланиш жараёнида овоз маъносидаги ун сўзи истеъмолдан чиқди. Унинг фақат нон маҳсулотлари учун ишлатиладиган ун сўзи қолди. Сабаби: тилда аниқлик қонунияти мавжуд. Иккита бир хил сўз ўқувчиларни чалкаштириши мумкин. Шу туфайли ун-овоз, ун (нон учун ишлатиладиган маҳсулот) сўзлари орасида рақобат пайдо бўлиб, бири иккинчисини сиқиб чиқаради. Кейинчалик ин сўзи ҳам уя маъносидаги ин сўзи билан рақобатга киришиб «енгилиб» истеъмолдан чиқиб кетди.

Эргаш УМАРОВ

Хотира ўчмасдир, хотира мангу!

ТАЪҚИБ ИЗИ...

ЎН ЯШАР ҚИЗАЛОҚНИ СИЁСИЙ ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАГАН ЭДИЛАР

Газетамизнинг ўтган сонида қатағон қурбони бўлган маърифатпарвар аёл Гулсум Раҳимованинг аччиқ қисмати ҳақида ҳикоя қилган ва унинг синглиси Руқиянинг тақдири ҳам шундай фожеа билан тугаганлигини эслаб ўтган эдик. Шерали Турдиевнинг навбатдаги ушбу мақоласи Руқия опа Хўжаева (Раҳимова)нинг фожеали қисмати ҳақида.

Руқия Хўжаева Ўтбосар қишлоғида (ҳозирги Қозоғистонда) савдо иши билан шуғулланувчи маърифатли оилада таваллуд топади. 1913 йилда улар Туркиянинг Стамбул шаҳрига кўчиб кетишади. Руқия ҳам у ердаги машҳур турк адибаси Холидахоним номидаги мактабда ўқий бошлайди.

1918 йилда Берлинга келган опа-сингил Гулсум ва Руқия Берлин, Дрезден шаҳарларида таълим оладилар. Опаси Гулсум Раҳимова бир-икки йил Финляндиядаги татар мактабларида дарс беришга ҳам боради, у ерда ишлаб ўқишни давом эттиради. 1925 йилда Гулсум Раҳимова ўқишни тугатиб, ёруғ умидлар билан собиқ СССРга қайтади, кўп ўтмай Руқия ҳам Қримда яшаб турган кекса отаси олдига келади.

Кейинчалик Руқия опа Бухородаги интернатда, ундан сўнг Самарқандга келиб таълим-тарбия соҳасида хизмат қилади. У 1927 йили Тожикистоннинг Сталинобод шаҳрига боради ва у ерда Тожикистон Марказий ижроия қўмитаси қошида очилган маҳаллий машинист кадр тайёрлов курсида дарс бера бошлайди. Самарқанддаги Ўзбекистон Олий педагогика институтида бир йилча немис тилидан сабоқ беради. У кейинчалик Самарқанд медицина институтига ўқишга киради ва 1934 йилда Москвада Тожикистон ваколатхонаси раҳбари бўлиб ишлай бошлаган умр йўлдоши Исахўжаев билан бирга доимий яшаш учун Москвага кетади.

1937 йил январида Исахўжаев Сталинободга зудлик билан чақирилади-ю, лекин у ердан Москвага қайтмайди. Бундан ташвишланган Руқияхон ёш чақалоғи Гулнаҳор билан Сталинободдаги қамоқхонага эридан хабар олишга келади. Кутилмаганда НКВД ходимлари унинг ўзини ҳибсга оладилар, тинтув қилиб, қўл ва чўнтак соатларини, паспортини, 50 сўмлик заёми, фотосуратлари ва чемоданини тортиб олиб қўядилар. Орадан икки кун ўтмай 29 май куни зудлик билан Самарқанд шаҳрида яшовчи қариндоши Искандаровнинг уйи тинтув қилиниб, Руқия Хўжаеванинг ёзишмалари, чет элдан келтирган китоблари қидирилади. Унга тегишли бўлган икки чемоданни бузиб очишади, 14 нусхада бўлган немисча китоблар, открткалар конвертсиз, конвертли ёзишмалар ва бошқа ашёллар олиб кетилади. Бу матекриаллар ҳам Руқия Хўжаеванинг Тожикистон ССР НКВДси қамоқхонасидаги айблов ишига ашёвий далиллар сифатида тиркаб қўйилади. Уни халқ душмани Исахўжаевнинг хотини деб айблаш билангина кифояланмайдилар. Унга Германияда ўқиган йиллари советларга қарши Туркистон мустақиллиги учун курашувчи аллақандай миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси бўлган ва Германиядаги Олимжон Идрисий ва у ердан ўқиб Тошкентга келган Бадрий Сайфулмуликов ва бошқалар билан шубҳали алоқада бўлган, Германия манфаати учун жосуслик ишлари билан шуғулланган деган сиёсий айблар қўйилади. Терговчилар уни шу «айблари»ни бўйнига олишга мажбур қила бошлайдилар. Руқия опа кўп азоб-уқубатлар ва қийноқларни бошидан кечиради. Руқия опа унга қўйилаётган айбларнинг мутлақо туҳмат эканлигини исботлашга мардонавор ҳаракат қилади. Лекин шунга қарамай терговчилар ўз баённомаларида унинг бу жавобларини ўз билганларича, айбларини қисман ёки асосан бўйнига олди қабилида расмийлаштира бошлайдилар.

Мазкур тергов-ҳужжатларини варақлар эканмиз, Германия, Туркияда ўқиб қайтган кўплаб бухоролик ва туркистонлик талабалар каби Руқияхоним ўзидан ҳам анча авваллар айғоқчилик бошланганлигининг гувоҳи бўла бошладик. Руқия Хўжаеванинг тергов ҳужжатларидаги айблов материаллари ичида Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг 1936 йил 26 октябрда Москвадаги СССР Ички Ишлар Халқ Комиссари раҳбари ўринбосари Горбга ёзган бир хати ҳам борки, хатни ўқиб ажабланади киши. Германиядан ўқиб СССРга қайтган маҳаллий йигит ва қизларнинг қанчаси қайси шаҳарларда яшаётгани, улардан Сайфулмуликов ва Муродий, Тўлаган Мўмин, Хайринисо Мажидхонова, Саттор Жабборов Гулсум Раҳимова ва Руқия Раҳимовалар изидан «Аҳмадбек», «Шарқ», «Ҳамид» каби лақабли хуфя айғоқчилар қўйилганлиги ва улар ҳозир Германияда ўқиб қайтган мазкур талабалар орқасида фаол яширин кузатув олиб бораётганликлари, бу ҳақда Ўзбекистон Ички Ишлар Комиссарлигининг бўлимлари Москвадаги СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги раҳбарларига ҳар ойда икки марта хабар етказиб туражаклари ёзилади. Бундан ташқари хатда, айниқса, Германияда ўқиб қайтган Гулсум Раҳимова ва Руқия Раҳимова (Хўжаева)нинг СССРга қайтгач, Германиядаги Олимжон Идрисий билан шубҳали ёзишмалари, сўнгги даврда Руқиянинг германпарастлик гаплар юрита бошлаганлиги алоҳида қайд қилиниб, уни ҳозир Тошкентдаги опаси Гулсум Раҳимова уйида эканлиги ва унинг аниқ адреси шипшитилиб: «Руқия Раҳимова кейинги вақтларда Германияга нисбатан хайрихоҳлик сўзларни гапириб, германпарастлик кайфиятларни кўрсата бошлади. Ҳозирги вақтда Руқия вақтинча Тошкентда бўлиб, опаси Гулсум Раҳимованинг уйида (Тошкентдаги Шелковичная кўча, 18-уй, 3-хонадонда) меҳмон бўлиб турипти», деб ўтади.

Шундай қилиб, иғво ва туҳматлар, айғоқчилик материаллари асосида Германияда ўқиб ватанига қайтгач кўплаб маҳаллий ўзбек, тожик, қозоқ ёшлари каби эндигина 29 баҳорни кўрган Руқияхон ҳам 1937 йил 16 октябрда Тожикистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қошидаги Учлик қарори билан гувоҳлар чақирувисиз, судсиз олий жазо – отувга – ҳукм қилинади. Беш ойдан кўпроқ НКВД зиндонларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қийноқлар остида соғлигини йўқотган оғир бетоб Руқия 21 октябрнинг ярим тунида (кечаси соат 24 да) отиб ташланади.

Лекин, бу ваҳшийликлар унинг оиласидан узоқ йиллар сир сақланади. Руқия опанинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари эса у ҳаёт бўлса бир кун чиқар деган умид билан унинг оқланиши учун елиб-югурадилар. Кекса отаси Қаюм бобо Собиров қизлари Гулсум ва Руқия, куёвлари Ҳайдар ва Исабекнинг бегуноҳлигига ишонган ҳолда Тожикистон ва Ўзбекистон Ички Ишлар раҳбарларига шикоят хатлари ёза бошлайди. Лекин уларнинг барчасидан рад жавобини олади. Отанинг аризасига Тожикистон ССР прокурори ёрдамчисининг махсус ишлари бўйича ўринбосарининг 1940 йил 29 апрелдаги жавобида «Раҳим Қаюм Собирович ўз шикоятида қизи Руқия Хўжаеванинг жиноий иш ҳужжатларини қайта кўриб, уни қамоқдан озод этилишини сўрайди, унинг фикрича, унинг қизи ҳеч қачон халқ душмани бўлган эмас ва совет ҳукуматига қарши ҳеч қандай миллатчилик ташкилотида ҳам иш олиб боргани йўқдир.

Шикоятчи хатда бошқа далиллар келтирмайди.

Ҳужжат материаллари билан танишгандан сўнг, маълум бўладики, Хўжаева Руқия ҳақиқатан ҳам Берлин (Германия)-да ўқиган ва халқ душмани Олимжон Идрисий билан алоқада бўлган. У 1927 йилдан бошлаб Тожикистоннинг Сталинобод шаҳрида яшай бошлаганида немис муҳожирлари Лоби Якоби Эрнест ва бошқалар билан алоқада бўлган ва буни айбдорнинг ўзи ҳам бўйнига олган. Мазкур фактлар асосида шундай қарорга келинди:

Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қошидаги Учликнинг қарорини ўз кучида қолдириб, жазо муддати ҳақидаги ҳукм тергов ҳужжатларига мувофиқ фуқаро Раҳим Қаюмнинг шикояти оқибатсиз қолдирилсин. Тожикистон ССР прокурори ёрдамчисининг махсус ишлар бўйича ёрдамчиси Дубцов».

Шундан сўнг Қаюм бобо Раҳимов ва унинг қариндошлари бундай уринишларнинг бефойдалиги ва ҳатто хавфли ҳам эканлигини ўйлаб, узоқ йиллар қўрқув ва таҳлика остида юрдилар. Улар ҳатто Сталин вафотидан сўнг ҳам бу ҳақда юрак ютиб бирор юқори доираларга мурожаат қилмайдилар. Ва охир-оқибат узоқ сургунлардан тасодифан омон қолган айрим собиқ маҳбусларни учрата бошлагач, Гулнаҳор Исаева 1960-йиллар бошида КПК Марказий Комитети қошидаги партия контрол комитети раиси Н. М. Шверникка отаси Исахўжаев ва онаси Руқия Хўжаеваларнинг тақдири ҳақида хабар беришни сўраб мурожаат қилади.

Руқия ХЎЖАЕВА

Шундан сўнг Тожикистон ССР Олий суди жиноят ишлар бўйича суд коллегияси Душанбе шаҳрида 1964 йил 26 январдаги суд мажлисида Руқия Хўжаева иши бўйича чиқарилган ҳукмни қайта кўриб, уни бекор қилади. Руқия Хўжаева жиноий иши бўлмаганлиги учун оқланади. Бу ҳақда бир парча оқлов қоғози ҳам келади.

Биз яқинда Руқия опанинг ҳозирда Тошкентда истиқомат қилаётган қизи, меҳнат фахрийси Гулнаҳор опа Исахўжаева билан учрашиб, онасининг аччиқ қисмати ҳақидаги хотираларини сўрадик. У киши бизга шундай ҳикоя қилди: «Майиб этилган ёшлик ҳаётим ҳақида ёзишим жуда оғир. Ота-онам қамалгач, мен етимдай қолдим. Мени ажойиб ва саховатли инсон бўлган онамнинг оталари Қаюм бобом тарбиялаб ўстирдилар...

Биз 1934 йил Москвага келиб, Горкий номли кўчада яшай бошлаган эдик. 1937 йил январда отамни Сталинободга чақиришди ва отам у ердан қайтиб келмади. Шундан сўнг уйимизда кетма-кет тинтув бошланди. Кечалари форма кийган кишилар уйимизга келишиб онамни ҳам сўроқ қила бошладилар, декабрда эса уйимиздан ҳайдаб чиқаришди ва биз Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университети ётоқхонасида яшаётган қариндошларимизникига келдик. Онам бу ерда ишга кириб, отам ҳақида Москва ва Душанбега ариза ёза бошлади, биз май ойида Душанбега бордик, онам «бу сафар отангни кўрамиз» деди. Эрталаб НКВД идорасига бордик. Улар бундан аввалроқ хабардор бўлса керакки, бизни яхши кутиб олишди, лекин онамнинг бир ўзи кириб кетди, мени остонада ушлаб қолишди ва у ерда саҳна кўрсатилади дейишди. Мен шу ерда онамни кечгача кутдим, лекин у НКВД идорасидан қайтиб чиқмади, амаким мени Самарқандга келтириб қўйди. Бобом қизи ва куёвининг озод этилишини сўраб турли идораларга мурожаат қилса ҳам натижа чиқмади. Кимдир унга бошқа энди ёзмасликка, мени эса узоқ жойда яшириб юришга маслаҳат берган. Чунки, халқ душмани бўлиб қамалганларнинг болаларини ҳам 16 ёшгача етимхонада асраб, сўнг уларни ҳам қамаб юбора бошлаган эдилар. Шундан сўнг биз ҳақиқатан ҳам бирор жойда турмай турли жойларга – Қорадарёга, Хатирчига, Самарқандга, яна қандайдир кичик бир станцияларга бориб бекиниб яшай бошладик. Ва мени шу йиллар давомида бирор кишига ота-онам ҳақида тўғри гапни айтмай яшириб юрдим. 1949 йил Хатирчида ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд медицина институтига ўқишга кирдим. Ўқишни тамомлаб Сурхондарё вилоятининг Ангор районида ишладим. Лекин шунга қарамай, шу йиллар давомида бирор марта бўлса ҳам онамнинг эркалаб суйишлари ва отамнинг мададкорлик ёрдамига муяссар бўлолмадим... Онам ниҳоятда камтар ва мулойим, маърифатли аёл бўлиб, у мени ниҳоятда севар ва ардоқлар эди. Мен ахир унинг ёлғиз фарзанди эдим. У Туркиядан Германияга ўқишга кетган вақтда бор-йўғи 10 яшар бир қизалоқ эди, қандай қилиб шу қизалоқ немисларнинг жосуси бўлсин. Менинг фикримча, унинг терговда берган кўргазмаларининг ҳаммаси ҳам терговчи жаллодларнинг тўқимаси ёки қийноқлар остида юзага келган. Ота-онам менинг хотирамда ҳамиша ёш ва бегуноҳдирлар. Улар Туркистонни мустақил демократик республика, парламент давлати бўлиши каби олийжаноб орзу билан яшаган эдилар. Ахир орзу билан яшаганларни ўлдириш мумкин эмас-ку. Бу эзгу орзулар фақат СССР тарқалиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина амалга оша бошлади. Мен учун энг қадрли мустақиллигимизнинг ҳамиша барқарор ва умрбоқий бўлишини тилаб юраман».

Шерали ТУРДИЕВ

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ГУРУНГЛАРИ

ҚАЛАМГУФТОР ЧЎПИЙМАН

Ўтган сонда «Чўпий домланинг «олди-қочди» гурунглари» номли ушбу саҳифамиз илк эълон қилиниши билан мухлисларимиздан телефон қўнғироқлари ёғилиб, муштарийлар ташрифидан эса таҳририят эшиги бир дам бўлсин ёпилмади. Турфа таклиф-табрик, мулоҳаза, ташриф қоғозлари... Ва уларнинг ҳаммасида ҳам бир мазмундаги ушбу савол айтилди: «Ҳурматли домламиз нечун Чўпий деб тахаллус олмиш экан!»

Улгурганча жавоб айтдик, баъзи хоналарга магнитофон қўйиб, жавобни умуманига эшиттирдик. Лекин барибир ҳамма гапни ҳаммага еткизмакда газетага тенг келадигани йўқ экан! Шу боис жон газетамизнинг янги сони чиқувини бу гал мухлислардан ҳам зиёд ўзимиз интиқлик билан кутдик, десак муболаға бўлмас.

Муҳтарам домламиз нега Чўпий деб исми тахаллус олганини илк танишувда биз ҳам сўраб эдик, ул зот ушбу битик билан жавоб айтиб эди:

Элнинг камтарин кули,
Кўп ҳокисор Чўпийман.
Исмим жисмима монанд,
Қаламгуфтор Чўпийман.

Кибру ҳаво манга ёт,
Қўшилурман улусга.
Эл пойида турганча
Бош уриб минг бир ишга.

Чўп бўлсанг кўпни кўргунг
Эл оёғида юриб.
Қояда қор сув бўлмас
Кўкдин тушмаса эриб.

Чўпиёна сўз дейин,
Ўпиб улус изини.
Чўп бўлойин пойида,
Топиб айтай ўзини.

Мен бормаган манзил йўқ,
Ўтган билан ўрлашиб.
Секин кетаверарман,
Оёғига илашиб.

Кўрганим ашъор этиб,
Куйга солиб айтурман.
Бир пиёдадан тушиб,
Яна бирда қайтурман.

Эл сирини элдан сўр,
Чўп сири чўпга аён.
Ул жойдан қолар гап йўқ –
Илашиб кетсам қаён.

Бир бора чўп бўлмаган
Тупроғини танимас.
Неким деса камина
Кўриб-билмайин демас.

Чўп уюлса кўп бўлур,
Битаверай битгунча.
Ҳар қадамда чўнг хирмон,
У дунёга кетгунча.

Юртдан десанг юрт кезиб,
Чўп сўзинг йўқотмаслар.
Ўхшамаса ўзига,
Гул сўзинга боқмаслар.

Элдин сўйла, эл аро
Ашъоринг йўқолмасун.
Ўзинг кетиб қолсанг ҳам,
Шеъринг кетиб қолмасун.

Аё Чўпий, Чўпийсан,
Ҳокисорликдин қайтма.
То ўлгунча тупроқдин
ташқари бир сўз айтма!..

«Эҳо-шоу» хабарлари

ЭЪЛОННОМА–2

Аё, ҳурматли Моний қаламлик, Беҳзод рақамлик биз билган ва билмаган ҳажвий сураткашлар! ...лар, –лар, –лар!..

Шу бугундан бошлаб «олди-қочди» сувратининг тимсолий тасвири учун саҳифамизда чизағонлар ўртасида

ТАНЛОВ

эълон қилинадур! ...дур, –дур, –дур...

Ҳеч бир ранг танловдан четда қолмаслигини инобатга олган ҳолда мавзуга ҳад йўқдир, бизга кераклиси, тасвир мазмуни томошабинни суратдан чиқиб бўлса ҳам даст обқочолса бас! –Бас, –бас, –бас... Расмлар исталган ҳажмда ва исталган оғирликда қабул қилинади, илло, кўнглимиз газетадай кенг, елкамиз ҳам газет қоғозини тонналаб кўтараверив ўрганган. Таҳририят эшигига сиғмаган асарлар олдимиз қиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда бирор стадион ёки кортларга олиб бориб қўйилади, ёмғир юқмайди.

Илова: рангли расмларни эълон қилишимиз учун газетимиз ҳозирча «оқ-қора»лиги ҳамда кўп нусхада чоп этилишини назарда тутиб, муаллифлар асарига мос ранг солинган бочкаларни олиб келишни ҳам унутмасин. Бўшаган бочкаларни олиб кетишга эса асло зарурат йўқтур! Йўқтур, йўқтур, йўқтур. Сўрашмаса ҳам бўлаверади.

Яна илова: Танловга юборилмиш ва олиб келинмишлар қайтарилмайди, фақат газетада расмини кўришлари мумкин.

Саҳифамиз учига чиққан «олди-қочди» эканлиги боис танлов босқичсиз, тўғридан-тўғри ўтказилади ҳамда етти рангнинг етти ғолиби ва мутлақ ғолибга мутлақ совғалар бериш билан якунланади. Ғолибларни, айниқса, «мутлағ»ини етти ухлаб тушингизга кирмаган рангдаги обқочар, антиқа совғалар кутмоқда!

Илҳомдай шошилинг, рангдай қуйилинг, азизлар!

«Ҳордиқ» саҳифасида обқочар совғалар бизни нафас олишга қўймай шоширмоқда! Шоширмоқда, шоширмоқда, шоширмоқда...

Илова: Таҳририятга ният қилинган бочкаларга эҳтиёт бўлинсун, думаланиб кетса ранг тўкилмаслиги зарруратидан оғзи очилмасун, Илло, ранг аччиғи ҳам пул аччиғидур! Аччиғидур, аччиғидур...

Маълум қиламизки, танловнинг илк ҳомийси – ўзи билан ўзи хўжалик ҳисобида иш юритаётган «корпорейшн Чўпий» обқочар фирмаси! (Ҳуда-беҳудага ҳомий излаб сарсон бўлмасдан «олдимиздан оққан сув»нинг қадрига етдик-қўйдик). Локин Чўпийга тирак бўлишни истаган «бош ҳомий» супасига талабгорлар учун таҳририят эшиги ҳатто туш пайти ҳам ланг очиқдур, истаган пайтингизда ҳаммамиз бирдай бажонидил кутиб оламиз! Кутиб оламиз, кутиб оламиз...

ГАПГА ТУШУНМАДИ

– Тамом, хотин, шу бугундан бошлаб сигаретни ташлайман, – деди эр хотинига.

– Вуй, ростданми, дадаси, сизни бирам яхши кўраманки, қанийди шуни анқитмасангиз, – суюнди хотини.

– Ташлайман дедимми, ташлайман, вассалом! Носга ўтаман...

* * *

– Сигарета чекаётган киши ёнида турган одамнинг беш минутлик умрини «ягоналаб» қўяркан. Ҳеч, шу хотиним узоқ умр кўрсин демайсиз-а, – деди хотин эрига.

– Ажойиб фикр, – деди эр, – ке хотин, онангга айт, бизникига тез-тез меҳмон бўлиб турсинлар...

* * *

Икки пулдор кашанда ўзлари чекадиган сигареталарни мақташарди.

– Сиз қанақасидан чекасиз, узатайми! – сўради улардан бири «Малборо» пачкасини очаркан.

– Биз блоки билан тортамиз, изи узилса бўлмайди, ана, «Нексия»да ётибди, – деди иккинчиси.

Уларнинг суҳбатини эшитаётган икки болакай «ока»ларга тақлид қила бошлади:

– Сиз қанақасидан? – сўради бири калондимоғлик билан.

– «Донабай»идан окаси, узатаверинг, – деди иккинчи болакай.

* * *

– Хотин! Расвойи радди бало бўлди, ит талади, ит Ииийй, бир кўппакчалик югуролмасам-а! – деди ҳансираб келган эр ҳовлиққанча.

– Талаб нима қиласан, ҳамма ёғим анқиб ётибдию, кашандаман, демадингиз-ми? – куюнди хотини.

– Гапга тушунадиган эмас, қутурган ит эди! Эээ расво ит экан! – деди эр тутақиб.

Қайноқи гаплар

ШЕРГА АЛАМ ҚИЛСИН ДЕБ

ЁКИ ТАЪТИЛГА ЧИҚҚАН... ГУВОҲНОМА

– Ҳайдовчи қачон ДАН ходимидан қўрқмайди?

– Маст ҳолатда.

* * *

– Машинани бошқараётган шофёр ширакайф бўлса, кўпинча машинани нима тўхтатади?

– Бирор нарсага урилиш.

* * *

– Айтинг-чи, пиёдалар аслида машинага йўл берадиларми ёки шофёрга?

– Қайси бирига йўл беришингиз ҳайдовчининг эс-ҳушига боғлиқ.

* * *

– Машинани маст ҳолатда бошқарувчилар сонини камайтиришда энг синалган усул нима?

– Уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаларини камида олти ойлик таътилга чиқариш.

* * *

– Олдиндан келаётган машинанинг ҳайдовчиси маст ҳолатда дўқ қиляпти, дейлик. Машинадан кўпроқ қўрқиш керакми ёки шофёрдан?

– Сиз, яхшиси, ўзингизга бир кор-ҳол бўлишидан қўрқинг.

* * *

Шер спиртли ичимликларни ёқтирмайди дейишади, унда нега ичган эркакларни шерга ўхшатишади?

– Шерга алам қилсин деб...

Севимли муаллифимиз Чўпий домла бу гал таҳририятга кириб келганида ҳажвчи рассомимизнинг ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган газетбоп бир ҳажвий суратини томоша қилиб, ажабтовур «тагсўз»лар айтишиб турардик. «Қани, биз ҳам бир юз кўрим қилайлик-чи» – деди ул зот. Ва қараб: «Ие, бу сувратдаги ғуррадор ҳалигина кўчада майда пулдай шалвираб боласининг иштончасини сотаман деб юрган ароқвандниг ўзи-ку! Ё бу ерга ҳам бирров бош суқиб кетибмиди?» – дедилар. Сурат баҳона бўлдими, ичи лиммо-лим келган Чўпий домла ичгулик, чеккулик, тортгуликлар устида гурунг бошлаб юборди. Ҳам шу хусусда чўпқаламдан тўкилган қуйма битиклардан қуйилиб ўқий кетди. Биз эса бу ноёб сўзларни «Ҳордиқ» манзилига элтмоқ ниятида бекаму кўст қоғозга туширишда давом этдик.

ҚАЙСИ БИРИСИЗ?

Устод Муғанний бирла қўшни маҳалладаги тўйдан келаётиб эдик, баногоҳ, устимиздан бир ликопча учиб ўтди. Дам ўтмай бошимиз узра лаган пайдо бўлди. Тилим сўзга айланмай «абажо» деб юборибман «ажабо» дейман деб. Шу фурсатда устод Муғанний тезлик била енгимдан тортди: «Ҳазир бўлинг, чўмич қуйилиб кетмасун!» – деди ул зот. Учар идиш-товоқлар у қўшнининг ҳовлисидан кўтарилиб, бу қўшнининг ҳовлисига қўнар, иккала тарафдин ҳам аларнинг «тақир тукур»ига қўшилиб идиш-товоқ эгаларининг овозлари эшитиларди. Бизга эса мундоқ «ёғин» ўртасида на олдинга ва на орқага қадам урмоқ чораси йўқ эди.

Шу пайт бирламчи ҳовлининг дарвозаси ичкаридан гурзи бирла урилгандек даранглаб ваҳмали очилди ва қозоннинг қораси кўринди. «Эээ менга овқату ош-нонингни кераги йўқ! Ана, қўшниникида яша, ичмайдиган-чекмайдиган бўлса. Ароқниям эркак ичади!» – деб бақирар эди қора қозонни кўтариб чиқаётган масту аласт эркак ичкаридан «ҳай-ҳай»лаб келаётган заифасига зарда қилиб.

– Тўхтанг, қозонни отманг. Шундоғам ҳар галгидай қўшнимиз эртага «синиқ дафтари»ни олиб чиқади синган идишларни тўлатишга! – деди ул аёл қозонни қулоғидан ушлаб тортаркан.

– Ним-мага тўлар эканман, шунча идиш отдиму! Ҳаммаси шуники! – авжига минарди эр борган сари.

Ҳовли ўртасида мўлтирашиб турган икки-учта ўғил-қиз очиқ дарвозадан кўриниб турар, сал нарида бир болакай велосипедчасини девор четига суяб, устига эски-туски нималарнидир ёпур эди.

Заифасига қулоқ осмаган эркак бод бирла қозонни-да «учирма» қилди. Локин қозон мўлжалдан сал адашдиму устимиздан «ғирр» этиб доира чизиб айландию, дағи бирламчи ҳовлининг пахса деворига бир қўниб, бегоналашмай ичкари қулади. Шу лаҳза эҳтиёт юзасидан устод Муғанний бу енгимдин ҳам тез тортиб: «Чўпийжо-он!» – деди. Ёғин дўлга айланмаслигини ўйлаб, уни-буни кўмак бергали чақирғон бўлдик. Ани кўплашиб эскича усулда арқон била устунга банд этдилар ва сал яқинига олапарни-да боғлаб қўйдилар.

– Пул топдим дегунча ичади, топмаса ҳам ичади, – зорланарди заифа.

– Куюнманг, ҳали-бери ўзига келиб қолади, жужуқларингизнинг умри узоқ бўлсин, – дедик кўнгил бериб.

Локин бу сўзимиз аёлга ажаб таъсир қилди ва деди:

– Вуй, нимасини айтасиз, бир куни ўртанчам пиёлада дадасидан қолган зормандани ичиб қўйиб «ойи, кўзимга иккита бўлиб кўриняпсиз, қайси бирисиз?» – деди!

Ёпирай! Одам ўзидан кўпайганидек, феъли ҳам ўзидан кўпаюр экан-да. Қиёси аён, бола деган қилгонингни қилиб, кўргонингни кўрадир, егонингни еб, ичгонингни ичадир... Бир кун бу янглиғ отгонингни ҳам отадир-да! Хуллас, ул куни уйга келиб ҳовли олдида тўхтаганча Ойпошша бувингизнинг этагида ўралашиб юрган жужуқларга бир дам термулиб турдим. Жону дилим бола-бақра-да. Шу боис бизим невара-чеваралар ҳали-ҳали боғча қаёқдалигини билган эмас. Мудом ёнимдалигиданму қақажонлар доноликда ҳам худди ўзимдай. Ишқилиб, бола-бақрага мендай бува, Ойпошшадай буви ато қилсун экан деганча келганлигимни кампиримга билдирмоқ учун астогина томоқ қирдим...

ҒУЖАНАК

Бир воқеий ҳолни кўриб келиб эдим, шунинг таъсирида уйқумга безовталик кирибдур. Ул куни ярим тунда туриб кампиримга дебман:

– Эндиким, ҳеч кимсаникида асло чой ичмасман. Шу бугундин бошлаб ўзим ҳар жойда бўлсам-да, чойим уйдадур.

– Ўзингиз ҳам бундадурсиз, – деди Ойпошша бувингиз кўнглимни кўтариб.

– Филҳол, невара-чевараларга ҳам шуни тайинлаб қўй, кимарсанинг қўлидан бир култум сув ичмасун! Ё бир ичса, икки ичмасун!

Бувингиз сиз ажаблангандек ҳайрон бўлмиш. Сизга айтсам укамулло, ҳар жойда чой ичмаслигимнинг боиси будир:

Ул куни каттакон бинонинг шундоқ олдидаги бекатда ўтириб эдим, бир «безгак» тутқонга йўлиқдим. Ҳалигина қошимда гулдай йигит туриб эди, бир чой қайнагулик вақт ўтиб-ўтмай ўз-ўзидин чақиртиканакдай ғужаниб қолса бўладиму?!

– Ҳа ўғлим, тутқаноғинг борму эди, қалтирайдурсан? Дўхтир чақирайликму? – дедим.

– Муни эскича «безгак» тутди бобой, иши дўхтирлик эмас, – деди ёнидагилар мен бир нимани тушунмагандай, – мунинг ўз «дўхтир»лари бор.

Алардин бири «ҳавойи тилпун»да «ўз дўхтирлари» биланму бир нималарни гаплашди. Назар солсам, қалтироғи ошган йигитнинг ҳар қапоғи, лоф демасангиз, хонаки тухумдан кам эмас эдики, бу мани бир ўйлатиб қўйди.

– Бир пиёла иссиқ чой бермак иложи топилғаймукин, – деб ул ён-бул ёнимга қарадим.

Ул кишилар нечундир истеҳзо қилдилар ва дедилар:

– Кўрмаяпсизми, бу ўзи чойдан топган, бобой. Соқолни қаерда оқартириб олгансизки, тушунмайсиз.

«Воажаб, ҳеч замонда чойдан безгак топадирму?» – деб ҳайрон туриб эрдим, қуш учишида бир машина келиб тўхтади. Ул машинадан бургутдай икки йигит тушиб келди. Алар титратма тутгон йигитни даст кўтариб мошинга олгач, яна қуш тезлигида ул бино олдидан ғойиб бўлдилар, биров бир не демади.

«Ҳол мундоқ бўлса, ким қаёққа олиб кетса кетилаверар экан-да!, дедим ўз-ўзимга. Локин «хонаки тухум» таҳлил хаёлидин кўнглим бир нимани сезгандек бўлди. Баногоҳ миямда ул «тухум» чақилди: «Дариғо, ул йигит «бангибезгак»му эди?!» Ва филҳол ёнимда тургон кишиларга дедим:

– Ҳеч замонда чойни уриб ичирмаслар, ичмасун эди!

– Олдин билмай ичар, кейин ўзи уриб олиб ичар, англадингизму?

Баттар ҳайронлиғим ортди:

– Билмай ичгани надур, баҳоси тиллойи чойни текину беминнат, дағи билдирмай берадиргон бойвучча бор эканму, памилнинг баҳосида-я?!

– Нақ чойдек «эзиб ички» қивордингизу бобой. «Памил чойли»га ҳам «клент» керак, тоғдай бақувватидан, уқдингизми? Билдирмай бергани – бўлажак мижознинг бошдан-оёғи учун «реклама», буни уларнинг тилида «бангитўр» дейди. «Хуморбола» оёқ очиб ўзи чой сўраб борадиган бўлгунча памил чойни нowвот билан ичяпман деб ҳўплаб-ҳўплаб юраверади. Дардисарга ичи илингач, астогина тўрни тортадилар, «бу чойнинг баҳоси қиммат туради ука», дейдилар ва билмаганини билдирадилар. Ана ундан кейин «ғужанакбек» «памил»ни Помир қилиб қайтараверади-да, ер юзидан бўлса ҳам тош топиб, бошдан-оёғи сўраб тургандан кейин.

– Ёпирай!.. Кимсанинг қўлидан чой ичадиган бўлмабди-да. Локин, шу билмай қолгани ғалат экан-да, одам ўз ичига на кирганинг бир ҳолда билмаса, икки-уч хуморда англамасму? Ва ё бирламчи қалтироқда қисқасидан қайтса на бўлғай?

– Бир тотиб кўрсангиз, сиз ҳам кайфига кампирингизни сотворардингиз, бобой. Одамни ердан узворади-да.

– Ердан узилгани не, ер билан мундоқ ғужанаклашиб ётадиган бўлса...

Ишқилиб укамулло, ҳар кимни на ердин, на элдин узмасин, илло-билло ато-анога ҳам «безгак» тутғон боласи қошида қалтирамакни рўйи раво кўрмасун, деб тилай-тилай уйга келдим.

– Сиз ичаман десангиз, ҳар маҳал ҳам қўлимдан памил тушмас, буваси, – деди Ойпошша бувингиз ул тун ойдай пиёлани узатиб...

Йўлда кетаётиб эдим, жўжадай чуғурлашиб олдимга чиқадигон невара-чевараларга хўрозқанд олай дедим. Нима кўп, шаҳарда ҳар одимда хонтахтадай растасини ёйиб ўтиргувчи барзанги кўп. Локин мен алардан кўра «хонтахтали» холапошшалардан қанд-қурс олишни хуш кўраман. Хуллас, бир пошшага яқинлашиб эдим, чақаларини санаб қош-кўзини бир жойга келтириб турган ўн яшар болакайга дил кетди, «ке, шу полвонга хўрозқандми, қурутми, ўзим олиб бера қолай» деган ўй кўнгилдан кечди.

– Қани ўғлим, сизга қурутми, хўрозқанд? Қўлимиздан есангиз, бизнинг ёшимизга етасиз, – дедим ул полвонга, салом қилур деган умидда тараддудланиб. Ул манга боқмади, холасига юзланди:

– Бир дона «Малборо»га етадими? – деди чақаларни узатиб, – етмаса, «Хон»дан берворинг, калла хум

«ХУМБОЛА»

бўп кетди-ю...

Ёпирай!..

Ёқамни ушладимей. «Хумбола» ажабланганимга бир қаради, кейин «хон»ни ютоқиб бир-икки сўргач, «кулча»си ёрушди.

– Хўрозқандни жўжалар ялайди, қурутни момой билан бирга сўрасиз. Уйда бизга ўхшаган «хўроз»лардан борми ахир? Ё ҳаммаси чумолига ўхшаб қанд-қурсда ўрмалашадими? – деди менга бошдан-оёқ яна бир қараб.

Билмадим, магар холапошша гапга аралашмаса, шул куни ёқамни қўйвориш қўлимнинг эсига келмасдиёв.

– Бор энди, «клент»нинг кайфини учирма, сен сигарет олишга кераксан, булар қурутга, тушундингми? – деди хола унга донолик билан.

– Шу ёшга етиб чилим тортганим йўғ-а, ё қудратингдан! – десам болакай нима дейди денг:

– Бекор қипсиз бобой, «жить» қилишни билмабсиз. Қурутмиш, ээ, сигирнинг сассиғию, саксон йил ялаганингизни қаранг.

Сўнг у доно холасига тайинлади:

– Майли хола, ўртоғим билан келишдик, кечқурун иковимизникини қўшиб бир дона «Малборо» оламиз.

– Хайр бобой, жўжаларга салом айтинг, – қўшиб қўйди «хўроз» кетаётиб.

«Биз ялагон нарсалар саксон йилда бир марта ҳам калламизни хум қилмаган. «хумбола», мана қурутдай тетикмиз. Ҳозирдан «хум» бўлсангиз, икки-уч йилга «гумбаз» бўп кетасизу» деб ўйлаганча қолавердим. Шунда холапошша:

– Яхшиям жиянни хафа қилмадингиз, ўзимизники эди, – деб қолди.

– Ие, ҳали чиндан холасимусиз?

– Вуй, нима қипти, дадаси билан бирга олишиб тортишади-ю. Ҳа бўпти, «жўжа»лардан нечта, бобой? – деди савдога кўчиб.

«Ишкал бу тараф денг, донолар айтғонидек, балиқнинг сасимоғи бошидан экан-да», дедим ичимда, қўлим дағи ёқамга ўрмалади. Энди кетаётиб эдим, холапошшанинг ёнидаги «хонтахта»да савдо қизитаётган йигит сўз қотди:

– Янаги гал «жўжа»ларнинг ўзини ҳам олиб келинг, бобой.

Сўнгра манга эшиттирмагандек ёнидаги «клент»ларга ҳиринглаб қўшиб қўйди:

– «Хўроз» қиворамиз-да.

Ҳартугул, уйга келгоним заҳот ҳаяллаганимга хавотир қилғон кампирим астогина қўлимни ёқамдан олиб қўйди...

(Давоми бор)



Саҳифа муаллифи: Узро

Бир-бир маслаҳат

СИНАЛГАН УСУЛ

Ичадиганлар ва ичмайдиганлар, чекадиганлар ва чекмайдиганлар учун киройи маслаҳат

Оила бюджети учун қанақасига бўлса ҳам бир ойлик топиш-тутишингиз қанча бўлганини ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз? Йўқ дейсизми, биз ҳам шундай деб ўйлаб турувдик, лекин ҳали ҳам кеч эмас. Ана, беихтиёр хаёлий ҳисоб-китобга тушиб кетдингиз. Хўш, туядай кирим бўлдиму? Майли, туя бўлмаса, чўнтагингизда товуқ қоқоғлаётгандир, жўжа чийиллаётган бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ, эртага хўроз бўлади-қўяди. Энди эса бошқа чиқимларни қўя турингу спиртли ичимликлару чекиш маҳсулотларидан сотиб олишга киримнинг неча фоизи сарфланганини бир бошдан қоғозга туширинг. Уларни харид қилишдан кузатилган мақсаднинг бу ерда аҳамияти йўқ, албатта. Дамингиз ичингизга тушиб кетса ҳам бу машғулотни ҳар ойда, иложи бўлса, ҳар ҳафта такрорлайверинг. Айтгандай, бартер усулидаги кирим-чиқим ҳам хаёлингиздан кўтарилмасин. Машғулот дафтарининг бир чеккасига қачон, кимникида ичганлигингизни қайд қилиб бориш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Илло, олмоқнинг бермоғи бор деганларидай, ичмоқнинг ҳам ичирмоғи бор...

Ичишга жуда муккасидан кетганлар кайф устида сони синдиришдан кўпайтирилган идишлар, тепиб бўёғи кўчирилган эшиклар, чўнтакдан тушиб қолган пуллар, уриб пачоқ қилинган машина, муштлашувдан кўкариб чиққан ғурраларни қайтаришга кетган «ғурра пули», хуллас, нимаики кўрилган «ола хуржуний» зарарлар бўлса, чиқим саноғига киритсалар ҳисобда адашишнинг олди олинади. Бунда уй бекаси ёрдамга чақирилса, ҳисоб-китоб бекаму кўст ва осон кўчади.

Ичиш, айниқса, чекиш масаласида оила бюджетидан чўнтагини чет билгувчи ёшяланглар эса кисса ҳисобини хуфя дафтарга қоралаб туриши мумкин. Улар буни ойлик ё ҳафталик эмас, кундалик машғулотга айлантиргани маъқул, катта ҳисобларни кейинчалик қўшиб чиқариб олаверадилар.

Севимли ва бир пайтнинг ўзида аламли бу машғулотни канда қилмаслик баробарида машғулот дафтарини ботбот мутолаа қилиб туришни ҳам унутманг.

Хотираси ўта кучлилар илк бор бу машғулотни бошламасдан олдин ўтган бир йиллик ҳисоб-китобни шу тахлит чамалаб кўрсалар ҳам бўлади. Бунда бели бақувватлар камида битта «Нексия», сал мундайроқлар «Тико», янада мундайроқлар мотоцикл ё эшакарава, ёш-яланглар ато-аносининг касб-корига қараб, жуда бўлмаганда, битта велосипедни шу зормандаларга ютқизиб қўйганлигига минг карра амин бўладилар, биз ҳам ишонамиз. Ажойиб квартира ёки данғиллама ҳовлини бой бериб қўйганлар ҳам талайгина бўлиши мумкин. Лекин кўп ташвиш қилманг, ўтган ишга саловат. Муҳими – машғулот, бир-икки эмас, камида тўрт-беш марта такрорласангиз, бу хонаки машғулотнинг ҳам киройи кайфи борлигини ҳис қиласиз, қоғоз-қалам қўлингиздан тушмай қолади. Ичимчеким маҳсулотларини харид қилишга «пул олиб чиқ» десангиз, қўлингиз чўнтагингиз бўсағасида туриб оёқдай депсинадиган одат чиқаради. Дўконлардаги бундай зормандаларга тушган кўзингиз олдига қорачиқдаги дафтар акси лоп этиб варақма-варақ келаверади, беихтиёр зормандалардан кўзингизни, дўкондан эса ўзингизни ташқари оласиз. Йўқ, булар саргузашт эмас, сиз машғулотлар боис бундай маҳсулотларни харид қилиш саргузаштларидан харид қилмаслик гаштларига ўтяпсиз, холос.

Олдинда – «Нексия», «Тико», мотоцикл, велосипед, эшакарава... Эҳҳэ, қани, квартирами ва ё ҳовлига ке-етдик!..

Ажабланманг, бу – синалган усул, шу машғулот сабоғидан Чўпий домла бир нечаларни эшакаравали қилган... Қулинг ўргилсин ҳовли-жойли бўлганлар ҳам Чўпий домлани кўрса, ҳовлиси билан эгилиб салом берадиган бўлишган.

Қани, қоғоз-қаламни шайладингизму?..

Охирги сўз:
Унни патир йўқотар,
Эрни «келтир» йўқотар.

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 41.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси – 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи – Абдушукуров МУЗАФФАР